Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 188 (20. 156) • 1988 йил 17 август, • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

АГРОСАНОАТ ХОДИМЛАРИ!

● Шу кунги асосий юмушимиз — ғўза парвариши. Уни сира бўшаштирманг.

● Илғор хўжаликларнинг баравж пайкалларида пахта очила бошлади. Бу — ҳосил йиғим-терими узоқ эмаслигидан ёрқин далолат. Мавсумга тайёргарликни тезлаштиринг.

● Пахта билан бирга бошқа тур экинлар — айниқса, озиқ-овқат неъматлари етиштирилаётган далалар ҳосилдорлигини оширишга ҳаракат қилайлик.

● Қайта ишлаш корхоналари фаолиятига эътибор ва ёрдам беринг.

АВГУСТ: ҒАНИМАТДИР ҲАР СОАТ, ҲАР ОН, ПАХТАКОРНИ КУТМОҚДА КАТТА ИМТИҲОН!

Яқинда туркманистонлик мусобақадошлар Қизилтепа районидаги «Ўзбекистон» колхозининг К. Келдиёров бошлиқ оилавий звеноси пахта далаларида бўлганида меҳмонлар билан суҳбатда у шундай деди:

— Қалбимиз куйлаяпти, қўлимиз ишлаяпти... Ғўзамиз баравж, серҳосил. Энди уни тез ва соз очилтириб олишимиз қолди. Катта имтиҳон — пахта йиғим-терими бошланадиган кунлар узоқ эмас. Вақт ғаниматдир...

Ҳа, шу кунларда республикамиз пахта далаларида ҳаёт қайнамоқда. Механизаторлар, чопиқчилар, сувчилар, химизаторлар — пахтага масъул кишиларнинг ҳаммаси август офтоби остида бўлажак хирмонларга яратилган «замин»ни янада мустаҳкамламоқдалар. Мавжуд резерв ва имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланаётган, меҳнатни тўғри ташкил этаётган, мўл ҳосил тўплаётган совхоз ва колхозлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш, жара, оқла ва бригада пудратини муваффақиятли жорий этиш, агротехника тадбирларини моҳирона қўлланиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш соҳасида баракали ишлаётган Ульянов, Комсомол, Шуманай, Сариосиё, Ленин йўли, Ленин, Бувайда районлари пахтакорларининг тажрибаси таҳсинга лойиқ.

Аммо, шуни айтиш керакки, айрим районлар, колхозлар ва совхозларда ғўза парваришн ҳали қониқарсиз бормоқда. Сўнгги кунларда ғўза қатор ораларига комплекс ишлов бериш бўшаштирибб юборилди. Суғориш билан культивация оралиғида узилишлар рўй берди. Бегона ўтлар тугатилганича йўқ. Сув мўл бўлишига қарамай, ўсимликнинг бир қисми чанқатиб қўйилди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларн ва касалликларга қарши таъсирчан чоралар кўрилмаётир. Чеканка ўтказишда сусткашликка йўл қўйилиб, ёппасига кўсаклаб турган ғўза пайкалларида фурсат бой берилмоқда. Бундай аҳвол Муборак, Қораўзак, Гагарин, Шеробод районлари хўжаликларида кўпроқ учрамоқда.

Худди шундай суст иш маромини Анджон, Жиззах, Самарқанд ва Навоий областларининг айрим районларида ҳам учратиш мумкин. Қолаверса, ҳозир республикамиз бўйича 200 минг гектардан зиёд майдонда атиги 1—2 тадан кўсакка эга ғўзалар бор. Пастдарғом, Большевик, Пискент, Бухоро, Навбаҳор районларида муҳим агротехник тадбирларнинг бузилишига йўл қўйилаётганлиги бундай ҳолларнинг сурункали тус олишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон», «Комсомол», колхозларида, Большевик районидаги «Самарқанд» совхозида аҳвол бир қадар ташвишли.

Шунинси ажабланарлики, бу районлар ва хўжаликларнинг тегишли раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларни бартараф, этиш ҳақида кўпдан-кўп ваъдалар бераётган бўлсалар-да, ғўза парваришининг ҳозиргача бўлган натижаларида сезиларли силжиш ясаганларича йўқ. Партия, совет, касаба союз ходимлари, мутахассислар, пахтакор ва механизаторлар бундай камчилик ва нуқсонларни бугун — ҳозироқ ҳал қилишлари керак. Токи, барча ташкилий-сиёсий ва хўжалик ишларн бош вазифага — пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилсин. Масала ана шундай кўндаланг турибди. Бу ишни ддалай оламизми, йўқми! Гап шу ҳақда бормоқда. Бу — биз учун чинакам катта имтиҳон.

Хўш, бунинг учун нималар қилмоқ керак! Аввало, суғоришни яна 4-5 кун ичида қисқартириб, ой охирида уни мутлоқ тўхтатмоқ талаб этилади. Зеро, терим олдидан яна бир долзарб агротехник тадбир — машина теримига кенг йўл очиб бериш ғўза барглариии барвақт сифатли тўктиришнинг бош омили — дефолиация турибди. Уни узоғи билан сентябрь ойининг дастлабки икки ўн кунлигида тугаллашга эришмоқ лозим.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил дефолиацияга сафарбар этилиши кўзда тутилаётган 7 мингдан зиёд ер усти аппаратлари ва 242 та вертолёт ҳамда самолётлар қувватларидан фойдаланишда, айниқса, мухассисларнинг ўта оқиллик ва ҳушёрлик билан иш тутишлари керак бўлади. Улар ер усти аппаратлари ва самолёт ҳамда вертолётлар билан дорилаиадиган майдонларни аҳоли пунктларига яқинлиги, табиат экологиясига таъсири даражаларига қараб олдиндан аниқлаб олишлари шарт.

Республика Давлат агросаноат ва Ўзбекистон Давлат статистика комитетларининг оператив маълумотларига қараганда, мавсумда ишлатиладиган техника воситаларн тайёргарлиги ҳам кўнгилдагидек эмас. Хусусан, Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё, Хоразм областлари бу борада қолоқликка йўл қўймоқдалар. Шуманай, Меҳнатобод, Баҳористон, Зарбдор, Гулистон, Оққўрғон, Иштихон, Комсомол, Хўжайли, Олтиариқ каби қатор районларда термн техникаси ремонти очиқроқ қилиб айтганда, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ана шуларнинг касрига бу йил республикамиз пахтазорларида ишлатилиши кўзда тутилаётган 39 минг терим машинасидан бугунгача 17 мингдан зиёдроғи созланди, холос. Қолбуки, пахтакорлар бу йил машина теримнни одатдагидан анча олдин — 20-25 сентябрданоқ бошлаб юборишни мўлжалга олганлар.

Вазифа — сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги охирига қадар барча агрегатларни тайёргарлик чизиғига тўла, бекамикўст, қайта-қайта синовдан ўтказилган ҳолда келтириб қўйишдан иборат. Шунингдек, хирмонжойлар, тош-торозилар, пахта пунктлари ва пахта заводларн тайёргарлигида рўй бериб турган камчиликлар ҳам, йўл ва кўприклар ремонти, қоп-қанорлар, эҳтиёт қисмлар таъминотидаги узилишлар ҳам шу кунлар ичида зудлик билан барҳам топмоғи даркор.

Хулоса қилиб айтганда, август ойида ва сентябрнинг дастлабки ярмида пахтакорларимиз иши одатда июнь ва июль ойларига нисбатан 1,5—2 баравар ортади. Улар мавжуд ҳосил ниҳоналарини тўла сақлаб қолиш билан бирга ҳосилга ҳосил қўшишлари, парваришни ҳар жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишлари, кўсакларининг, эртароқ очилишига қулай шарт-шароитлар яратишлари лозим. Бунинг учун ҳамма майдонларда қолган давр ичида камида икки марта, авжи пастроқ майдонларда эса табақалаб уч марта комплекс парварииш ўтказишлари, культивацияни давом эттиришлари керак. Ой охирига қадар бирор киши, бирор техника воситаси пайкалларни тарк этмаслиги, парваришни ҳар қачонгидан кучайтиришга қўшимча куч-ғайрат сарфлашлари даркор.

Бугунги кунининг яна бир муҳим вазифаси шуки, дала меҳнаткашларига ҳар қачонгидан баракалироқ, сифатлироқ тер тўкишлари учун энг қулай иш шароитларн яратиб беришдир. Уларга кўрсатилаётган савдо, медицина, маданий-маиший хизмат турлари сон жиҳатдан ошиб, сифат жиҳатдан яхшиланиши — биринчи галда жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг салоҳиятига, ташаббускорлигига боғлиқ. Дала шийпонлари деҳқоннинг иккинчи уйи бўлиши учун бу ерларда иссиқ овқат, чой ҳамзам ташкил этилмоғи, болалар боғчаси муттасил ишлаб турмоғи, агитатор ва пропагандистлар тез-тез бўлиб [бўлганда ҳам шунчаки келиб-кетиш эмас] уларни юксак ютуқларга руҳлантирувчи сўз санъатларини ишга солмоқлари, таъбир жоиз бўлса, дала соҳиблари қалбларига кириб бормоқлари зарур.

Токи, меҳнаткаш инсон дам олиш соатларида газета, журналларининг янги сонларини ўқиб туришлари, радио-телевизор эшиттиришларн ҳамда кўрсатувларини тинглаб, кўриб боришлари учун барча имкониятлар муҳайё бўлсин. Зеро, худди ана шу имконият ва қулайликлар, воситалар инсон омилини фаоллаштиришда катта роль ўйнайди.

Партия ташкилотлари ғўза парваришига зўр бериб, август ойида ҳосилга-ҳосил қўшишга эришишни учун қишлоқ меҳнаткашлари орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеологик ишларини янада кучайтирмоқлари, уларнинг таъсирчанлик доирасини янада кенгайтирмоқлари, интизомни тобора мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқлари, беғамлик, бепарволик, ўзни-ўзларчилик кўринишларига қаттиқ зарба бермоқлари лозим. Айни пайтда бугун эришилган юқори кўрсаткични эртага ҳамманинг қатъий иш нормасига айлантириш учун социалистик мусобақани муқаррар авж олдиришга эришмоқлари даркор.

Бутун куч-ғайратни пахтамизни тезроқ, созроқ очилишига, машина теримини ҳар қачонгидан эртароқ бошлашимизга қаратайлик. Ватан биздан давлат планида белгиланган нақд «оқ олтин» кутмоқда.

Ғаниматдир ҳар соат, ҳар он,
Пахтакорни кутмоқда катта имтиҳон...





Пудрат шарофати

Икки йилдирки Жўра Қурбонов бошлиқ бригада коллективи меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг қулай ва самарали воситаси — пудрат усулига ўтиб ишламоқда. Миришкорлар бу йил ҳосилдорликни 26,5 центнерга етказиш учун 76 гектар майдондаги экинларга юксак агротехника қоидалари асосида ишлов бермоқдалар. Улар бир центнер пахта етиштириш учун атиги 54 сўм сарфлаб, олинадиган умумий даромадни 250—260 минг сўмга етказиш, соф фойдани 40 минг сўмдан оширишни кўзда тутишган.

Пайкалларда шунга яраша ҳосил тўпланаётир. Ғўза парваришида механизатор Давлат Чўлиев, сувчилардан Чўяи Аллаев, Панжи Хўжамуродов, Тошпўлат Ёмғиров, ишчилардан Янгил Тўраева, Ҳурмат Бердиева, Роҳила Алиевалар пешқадамлик қилишяпти. Барча майдонлардаги ғўзалар машина теримига мослаб ўстирилаётир. Улар ҳосилнинг деярли ҳаммасини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

Пудрат усулида ишлаб яхшигина даромад олишни кўзлаётган коммунист Озода Мамасолиева бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам бу йил юксак марраларни кўзлашяпти. Улар 78 гектар майдондан 207 тонналик хирмон уйишмоқчи. Ҳосилдорликни 27 центнердан оширишга сўз берган бригада пахтакорлари 20 гектар ерда ўстирилаётган ипак пахта ғўзаларини алоҳида меҳр билан парваришлаб, суғормоқдалар. Ҳозиргача бу майдонларга олти марта ишлов берилди ва уч марта суғорилди.

Ҳа, ўз касбини ардоқлаётган Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз пахтакорлари ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр — август ойида зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар.

Ж. ЮСУПОВ.



Салмоқли ютуқлар

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида меҳнатни ташкил этишнинг янги, прогрессив усуллари — оила ва жамоа пудратини янада ривожлантириш ҳақида гап борди. Бунда озиқ-овқат проблемасини ҳал қилишнинг кенг истиқболли йўлларн белгилаб берилди.

Хонқа районидаги «Победа» колхозида ҳам оила пудратига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда барча майдонлар 407 оилавий звеноga бўлиб берилган. Айни кунларда хўжалик далаларида ҳамма экинлардан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Айниқса, Оллоберган Мавлонов бошчилигидаги оилавий звено коллективи эришаётган ютуқлар салмоқли. Улар 3 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. Айни пайтда ниҳолларни меҳр билан парваришлаб, вақтида суғормоқдалар. Натижада салмоқдор кўсаклар сони кун сайин кўпаяётир. Коллективнинг аҳди — ҳар гектар майдондан 40 центнердан «оқ олтин» териб олиш. Оила аъзолари 6 гектар майдонда полиз маҳсулотларн етиштирдилар. Ҳозиргача эл дастурхонига 50 тоннадан ортиқ ширин-шакар қовун-тарвуз жўнатилди. Коллектив бу кўрсаткични 130 тоннага етказишни мўлжаллаган.

Суратларда: 1. Оила звено бошлиғи О. Мавлонов. 2. Бригада бошлиғи Д. Тўраев ғўзаларни кўздан кечирмоқда. Унинг звено аъзолари — О. Мавлоновнинг турмуш ўртоғи Холжон ўғли Маҳмуд билан. 3. Полиз маҳсулотларн йиғиштириб олинмоқда.

В. Молгачев фотолари.

• Сўз — тажрибакорларга

МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛСАЙДИ...

Қайта қуриш, жадаллаштириш, демократия туфайли салбий ҳолатларга барҳам берилиб, кенг тараққиёт сари йўл очилмоқда. Таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик каби иллатлар илдизига болта урилди. Буларнинг самараси эса кўриниб қолди. Ўтган йили хўжалигимиздаги ҳамма бригада раҳбарлари демократик асосда қайта сайланди. Сайловлар пайтида колхозчилар ўз фикрларини очиқ-ойдин баён қилишди. Чунончи, Ҳайдарали Асқаров, Раҳмонбой Турдиевлар бригадирликка сайланмай қолишди.

Сайловдан кейин бунинг сабабини таҳлил қилдик. Маълум бўлишича, бу икки раҳбар одамларга ғамхўр эмаслиги, муомаладаги дағалликдан ташқари иш юритишдаги нўноқлик ва лоқайдлик уларнинг сайланмаслигига асосий сабаб бўлган. Бу йил уларнинг ўрнига сайланган бригадирларнинг далаларида иш бир маромда кетмоқда. Ғўзаларнинг ҳосил тўплаши яхши.

Ўтган йилги шароитда пахтачилик рентабеллигини 28 процентга етказдик. Аммо чорвачиликда бу рақам зўрга 11 процентга етди холос. Бунинг сабабини айрим мутахассисларнинг масъулиятсизлиги билангина изоҳлаш мумкин. Оқибатда моллар орасида сил касаллиги тарқалди. 150 бош қора мол гўштга топшириб юборилди. Бундан бир неча ўн минг сўм зарар кўрилди. Ваҳоланки, чорвачиликда бош зоотехник, ветеринария врачи, 3 та фельдшер, 2 та ассимилятор бўлиб, улар ойига 150-220 сўмдан маош олишади. Хўш, улар қаёққа қаради?

Шу ўринда РАПО фаолияти тўғрисида тўхталишга ҳам тўғри келади. Бу ташкилотда қирққа яқин мутахассис ишлайди. Чорва моллари касаллана бошлаганда уларга мурожаат қилинди. Аммо улар зарур малакали ёрдамни кўрсатишолмади.

Партия конференцияси кўрсатмаларини ўйлар экандман, умуман ана шу оралиқ ташкилот бизга керакми? деган фикрга келдим. Аслида шу ташкилот колхоз-совхозларнинг даромади ҳисобига кун кўради. Аммо очиғини айтганда улар биздан оладиган маблағларга яраша фаолият кўрсатишмайди. Дарвоқе, уларда бор мутахассисларнинг ҳаммаси ҳар бир хўжаликда бор. Улар фақат юқори органларнинг кўрсатмасини хўжаликларга етказишади. Колхоз-совхозлардан маълумот тўплаб, юқори органларга беришади. Шунинг учун РАПОни сақлаб туриш шартмикин?

Қайта қуриш туфайли хўжалик механизмини такомиллаштириш экинлар ҳосилдорлиги, моллар маҳсулдорлигини ошириш йўллари топилмоқда. Чорвачилик, богдорчилик, сабзавотчилик, озуқачиликда 40 дан ортиқ оилавий звено ташкил этилди. Пахтачиликда 21 та пудратчи бригада ишлаяпти. Ташкилий соҳадаги бу ўзгаришлар ишларни режали, тежамли ва сифатли бажарилишига йўл очмоқда. Масалан, Йўлдошали Алишеров, Икромбой Нажмиддинов, Миролим Қосимовлар бригадасида ҳар бир ишни оби-тобида ўтказиш билан бирга, техника ва ўғитдан самарали фойдаланиш орқали анчагина тежамкорликка эришиляпти.

Шаҳар қишлоқ Совети территориясида 20 минг аҳоли истиқомат қилади. 2113 гектар ери бўлган колхозга ана шу аҳолининг учдан бирини ҳам жалб этиш мумкин эмас. Шунинг учун ишга яроқли кишиларнинг асосий қисми бошқа ерларга бориб ишлашга мажбур. Бундан ташқари бизда янги ўзлаштирадиган ер ҳам йўқ. Қишлоқда бирон бир йирикроқ завод ёки фабрика ҳам йўқ. Шу туфайли социал-маданий объектлар, айниқса болалар боғчаси етишмайди.

Сўнгги тўрт йилда колхоз маблағи ҳисобига 3 та 320 ўринли мактаб, 60 ўринли касалхона қурилди. Ўтган йили ҳамма қулайликларга эга бўлган 280 ўринли боғчани фойдаланишга топширдик.

Шу йил бошида 60 оилага ер участкаси ажратдик. Колхоз ҳисобидан 12 та уй қуриш бошлаб юборилди. Шахсий уй қурувчилар талабини эътиборга олиб ремонт-қурилиш бригадаси ташкил этдик. Ёғоч материалларини тиладиган янги Ем-хашак етиштиришда ҳам янгича усул қўлланилмоқда. Масалан, ўтган йили маккажўхори қизилча билан аралаштирибб экилди. Натижа яхши бўлди. Бу йил 34 гектар майдонга шу усул билан экин экканмиз. Экиннинг ҳозирги ҳолати яхши. Ана шу майдондан камида 50 центнердан дон, 400 центнердан қўкпоя, 800 центнердан қизилча оламиз.

цех иш бошлади. Ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, келгуси йили 140 ўринли боғча, 520 ўринли мактаб қуришни режалаштирдик.

Менга депутат сифатида қишлоқда камида минг киши ишлайдиган тикувтрикотаж фабрикаси қуришни жадаллаштириш наказ қилиб берилган. Бу ишни амалга ошириш жуда қийин кўчяпти. Ҳали лойиҳа-смета район қишлоқларида социал-маданий объектларни кўпайтириш, шу тариқа аҳолига шароит яратишни яхшилаш имконияти вужудга келади.

Яқинда бўлган воқеа бизга сабоқ бўлди. 19-бригаданинг чекка звеносидаги дала шийпонининг аҳволи оғир эди. Район «Машъал» газетаси уни обдон ўрганиб, менинг номимга очиқ хат билан мурожаат қилди. Бу конференция арафасида эди. Жуда қаттиқ таъсирландим. Ахир бунинг олдини олиш, уни яхшилаш мумкин эди-ку! 20 кун деганда шийпонни қайта қуриб, редакцияга жавоб ёздик. Очиқ-ошкора, юз-хотирсиз қилинган танқиддан звено аъзолари хурсанд бўлишди. Биз бир оз ҳижолат тортган бўлсак-да, ваъдамизни бажариб юзимиз ёруғ, кўнглимиз равшан бўлди. Яна 3 та дала шийпони қуришни мўлжаллаб қўйдик.

Хуллас, қайта қуриш, демократия туфайли ҳар бир нарсани рўйи-рост, ошкора айтадиган бўлиб қолдик. Бу бутун фаолиятимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Планларимизнинг муваффақиятли бажарилишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Жумладан, бу йил пилла етиштиришда рекорд натижага эришдик. 39 тонна ўрнига 49 тонна «кумуш тола» топширдик. Бошоқли дон плани уч ҳисса орттириб бажарилди. Гўшт сотиш тўққиз ойлик, тухум сотиш бўйича ўн ойлик планни адо этдик. Ҳар бош сигирдан ўтган йилнинг шу давридагидан 52 литрдан кўп сут олишга эришдик. Бундан кўриниб турибдики, юксалишнинг янги босқичи бошланди. Биз мана шу йўлдан комил ишонч билан олға борамиз.

Пўлатбой ҚОСИМОВ,
Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати.

- **Озиқ-овқат: турмушимизнинг энг нозик, ўткир муаммоси**

КАРТОШКАКОРЛАР ШИЖОАТИ

Фарғона область Риштон районидаги «Ленинград» совхозининг «Коммунизм» бўлими деҳқонлари мўл картошка ҳосили етиштиришда катта тажриба тўплашган. Улар деярли ҳар йили план ва мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб келмоқдалар. Миришкорлар айни кунларда 91 гектар майдондаги картошка ҳосилини жадал йиғиштириб олишаётир. Ҳозир 27 гектар майдондаги картошка кавланиб, эл дастурхонига 622 тонна иккинчи «нон» етказиб берилди.

Мўл ва сифатли ҳосил топшириш учун ўзаро меҳнат беллашувида Э. Қамбаров бошлиқ бригада ишчилари пешқадамликни қўлдан бермаётирлар. Уларнинг ҳар гектар майдондан олаётган маҳсулоти пландаги 165 центнер ўрнига 288 центнердан ошмоқда.

Ҳосил теримида Санобар Ҳидиралиева, Сайрамхон Мадалиева каби ўнлаб комсомол-ёшлар фидокорлик кўрсатишяпти.

М. МИРЗАЕВ.

ШИРИН-ШАКАР МЕВАЛАР

Ульянов райони боғбонлари тайёрлов идораларига 710 тонна ҳўл мева сотиб, йиллик планни бажардилар. Эришилган муваффақиятга «Ғалаба», «СССР 60 йиллиги», «Партия XXIV съезди» «Қашқадарё» Дзержинский номли, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги», «Москва», «III Интернационал» совхозларининг боғбонлари муносиб ҳисса қўшишди. Илғор хўжаликларнинг тажрибали соҳибкорлари бу йил биринчи марта ҳосилга кирган боғларнинг гектаридан 45—50 центнерга етказиб ҳосил териб олдилар. Ҳосилдорликни 80-100 центнерга етказиш учун курашаётган боғбонлар чўлқуварларга қўплаб ширин-шакар мева етказиб беришни қизғин давом эттиряптилар.

Район боғбонлари шу кунларда токзорларда пишиб етилган узумларни ҳам пешма-пеш эл дастурхонига тортиқ этишмоқда.

Ю. ЖЎРАЕВ.

БУГУНГИ СОНДА:

2-бет: Танқид учун таъқиб

3-бет: Етиштирилган барча ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш — муҳим вазифа

4-бет: Аҳоли эҳтиёжларига диққат-эътиборни кучайтирайлик!

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **МАНАГУА.** Никарагуа халқи империалистик агрессияга дуч келганлиги сабабли Никарагуа қуролли кучларининг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашга жуда кўп маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда. Сандиночилар халқ армияси сиёсий бошқармасининг бошлиғи Уго Торрес миллий ҳарбий-денгиз кучлари тузилганлигининг 8 йиллиги муносабати билан Коринтода нутқ сўзлаб, ана шу ҳақда гапирди.

Америка қўшинларининг Никарагуага бевосита ҳарбий интервенцияси хавфи сақланиб турган шароитда, деди у, мамлакат ҳарбий-денгиз кучлари халқ революцияси ғалабаларини ишончли қўриқлаб турибдилар. Улар республиканинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилаётган сотсиал ёлланган каллакесарлар хуружларини қайтармоқдалар.

✦ **ВАШИНГТОН.** Америкадаги олий ўқув юртларининг студентлари эволюция назариясини билишадими! — Калифорния университетидан психиатор Жон Кронин билан Калифорния штатидаги университетидан антрополог Алан Алмквист ана шу саволга жавоб топишга қизиқишди. Бир неча йил давомида АҚШнинг турли районларида коллежлар ва университетларнинг 2100 студентига савол бериб, уларнинг фикрини суриштириб, олимлар «эволюция тўғрисида ҳайрон қоларли даражада нотўғри тасаввурга» эга эканликларини аниқладилар. Чунончи сўраб суриштирилганларнинг 45 процента ерда топилган сўнгаклар ер юзини сув босган даврда ҳалок бўлган ҳайвонларнинг қолдиқлари деб ҳисоблайди, 38 процента одам боғи эрамда пайдо бўлганига ишонади, жанубий штатлардаги студентларнинг деярли 10 процента эса ер камида 6 минг йил олдин яратилган, деб ҳисоблайди.

(ТАСС).

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий йўл билан бартараф этиш хусусидаги Женева битимлари кучга кирган кундан буён орадан уч ой вақт ўтди. Ана шу битимлар энг мураккаб ва қалтис регионал можароларнинг бирини бартараф этишда сифат жиҳатдан янги босқич очди. 1988 йилнинг апрелида Афғонистон, Покистон, АҚШ ва Совет Иттифоқи ташқи ишлар министруари Женевада имзолаган ҳамда 15 май кунн кучга кирган ҳужжатлар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир: бу ҳужжатлар «Афғонистон масаласи»нинг келиб чиқишига сабаб бўлган ташқи омилларни бартараф этишгагина қаратилган бўлиб қолмай, шу билан бирга Афғонистондаги ички вазиятни тартибга солиши, барча афғонлар ўртасида миллий тотувликка эришишни енгиллаштириши ҳам лозим.

Ўтган уч ойга қандай баҳо бериш керак, конкрет натижалар тўғрисида ҳукм чиқармоқ учун шу муддат кўпми ёки озми? Агар шу қисқа муддат ўша 8 йил билан таққослаб кўриладиган бўлса, тугуннинг жуда тез ечилишини кутиш қийин, албатта. Ўтган 8 йил мобайнида Афғонистоннинг чигал тугуни тобора маҳкамроқ боғланган эди. Шу билан бирга Женева ахдномаларининг ҳарфи ва руҳига ҳалол ҳамда қатъий амал қилиш хатто қисқа муддат ичида ҳам кўп нарсага эришиш мумкинлигидан далолат бериб турибди. Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси эса айни шундай ҳаракат қилмоқда.

Женевадаги битимлар мажмуасининг халқаро кафилларидан бири бўлмиш Совет Иттифоқи ҳужжатларга доир ўз мажбуриятларини аниқ ва ўз муддатида бажариш учун бутун кучини сарфламоқда. Аввало Женева битимларида белгилаб қўйилганидек, совет ҳарбий қисмларининг ярми 15 августгача Афғонистондан Ватанига қайтарилганлиги факти бунинг далилидир. Совет Иттифоқи тегишли икки томонлама Афғонистон-Покистон битимида қайд этилган аралашмаслик тўғрисидаги принциплар ва қоидаларни ҳурмат қилмоқда, бошқа мамлакатлар ҳам Афғонистон билан Покистон ўртасидаги икки томонлама аҳдлашувга масъулият ва ҳурмат билан муносабатда бўлишлари учун ўзининг бутун халқаро обрў-эътибори ва нуфузидан фойдаланмоқда.

Афғонистон Республикаси ҳам худди шундай самимий, холис ният руҳида ҳаракат қилмоқда. У Женева ахдномаларининг руёбга чиқарилишини енгиллаштиришга ҳар томонлама интилмоқда. Афғонистон раҳбариятига у Женева Афғонистондаги ички вазиятни бартараф этиш жараёни учун вужудга келтирган имкониятлардан фойдаланмаяпти, деб таъна ҳам қилиб бўлмайди. Ана шу жараён йўлига солинаётган барча ғовларга қарамай, у олға ҳаракат қилиб бормоқда. Афғонистон жамиятидаги турли сиёсий кучлар ва табақаларнинг намояндалари мавжуд бўлган миллий кенгаш (парламент) чақирилиши, коалиционлик жиҳатлари етарлича равшан намоён бўлаётган янги ҳукумат тузилиши каби ва бошқа муҳим воқеаларни санаб ўтишнинг ўзи қифоя.

Вилоятларда коалицион ҳокимият органлари тармоғи кенгаймоқда, бир қанча ҳолларда оппозициядаги арбоблар ана шу вилоятларнинг губернаторлари этиб тайинланган. Бу арбоблар яқиндагина мавжуд ҳокимиятга қарши қўлига қурол олиб курашган ёки аввалги режимларда муҳим лавозимларни эгаллаб келишган эдилар. Афғонистон раҳбарияти эълон қилган ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигига, АХДПнинг ҳокимиятга монополияликдан воз кечишига ҳамда бир-бирига қарши курашаётган барча кучлар билан реал муросага келишга тайёрлигига асосланган олисни кўзловчи сиёсий платформа бошқа томон холис иш тутган тақдирда Афғонистонда ғоят кенг асосдаги коалицион ҳукуматни тузишга ва шу тариқа Афғонистон заминида чўзилиб кетган ҳунрезликка чек қўйишга олиб келган бўлур эди.

Совет томони таассуф билан шуни қайд этишга мажбурки, Женева битимларининг бошқа қатнашчилари, биринчи навбатда Покистон Женева битимларига доир ўз мажбуриятлари бутун комплексини худди шундай масъулият, изчиллик ва зўр ғайрат билан амалга оширган тақдирда ҳозир Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш иши анча олға силжиган бўлиши мумкин эди. Бироқ амалда бунинг мутлақо акси намоён бўлмоқда.

Маълумки, қўшинларни олиб чиқиб кетиш билан бир қаторда афғонларнинг ички ишларига ташқаридан аралашувни тўхтатиш Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этишнинг асосий масалаларидан биридир. Женева битимлари кучга киргандан кейин асосан Покистон территориясидан амалга оширилаётган бундай аралашув тўхтатилишини кутиш мантиқий ва асослн бўлур эди. Шунга қарамай, ҳозир, Женева битимлари қонун кучига киргандан кейин орадан уч ой ўтгач ҳам Афғонистон ишларига аралашув тўхтатилиши бир ёқда турсин, балки муайян даражада кучайди ҳам. Покистондан Афғонистонга қурол-яроғларнинг, шу жумладан оғир қуролларнинг катта-катта туркумларини, қуролли тўдаларни, ажнабий инструкторларни юбориш ҳамон давом этмоқда.

Кейинги вақтларда республика пойтахти — Кобул шаҳрига ракеталар мунтазам ёғдириб турилибди, бунинг натижасида бегуноҳ кишилар, қариялар, хотин-қизлар, болалар нобуд бўлмоқда, турар жой кварталларига катта шикаст етказилмоқда. Бундай ваҳшийларча тўпга тутишлар — Афғонистон ҳукуматининг ҳунрезликни тўхтатишга ва Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган куч-ғайратларига нисбатан бевосита дағдағадир. Мана шу ва бошқа жиноий террорчилик ҳуружлари учун уларнинг бевосита ижрочиларигина эмас, шу билан бирга оппозицияни ажал келтирувчи қурол-яроғ билан таъминлаётган, аслида уни инсонпарварлик ва халқаро ҳуқуқ принципларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатларга ундаётган кимсаларнинг ҳаммаси ҳам жавобгардир.

Покистон Женева битимларига доир ўз мажбуриятларини бузаётганлиги афғон оппозициясини Афғонистон Республикасининг қонуний ҳукуматини ағдариб ташлашга тўғридан-тўғри рағбатлантираётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. «Ёттилар уюшмаси» Покистон маъмурларининг бевосита мадади билан Пешавар шаҳрида «муваққат афғон ҳукумати» деб аталмиш ҳукуматни тузди. Покистоннинг мана шу хатти-ҳаракатлари ўзаро муносабатлар принциплари тўғрисида, жумладан аралашмаслик ва интервенциядан воз кечиш ҳақида Афғонистон билан Покистон ўртасида тузилган битимнинг иккинчи моддасини қўпол равишда бузишдан иборатдир.

Покистон томонининг Женева битимларига хилоф бўлган бундай ножўя хуружлари ёнига афғон қочоқларининг ўз ватанига қайтишларига тўсқинлик қилишга, томонларнинг ўз мажбуриятларини аниқ бажаришини кузатиб туриши ва шу мажбуриятларни бузиш эҳтимолининг олдини олиши лозим бўлган БМТ контрол механизмининг ишига халақит беришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қўшилмоқда.

Женева битимларини бажаришда вужудга келган вазият Афғонистон тугуни ечилишидан манфаатдор бўлган аҳволнинг сиёсий бартараф этилишини хунрезликни тўхтатишнинг ва афғонлар ўртасида амалий мулоқотни бошлашнинг жуда муҳим шарти деб билаётган кишиларда ҳаққоний ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмас. Агар Покистон Женева битимларини бундан буён ҳам фақат Афғонистондан совет қўшинларини олиб чиқиб кетишдангина иборат қилиб қўйиб, шу мамлакат ишларига аралашмаслик юзасидан ўзининг конкрет мажбуриятларини писанд этмас экан, бу ҳол Афғонистондаги аҳволни бартараф этиш учун нохуш оқибатларга эга бўлиши мумкин.

Совет ҳукумати зўр қатъият билан шуни билдирадики, Покистон Афғонистонга доир Женева битимларига нисбатан ўзининг бузғунчилик йўлини давом эттираверишига бундан буён тоқат қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолда Совет Иттифоқи вазият тақозо этадиган чоралар кўриш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Шу муносабат билан Совет ҳукумати Женева аҳдномаларининг кафолатларидан бири сифатида АҚШ ҳам Покистоннинг Женева битимларини бузаётганига бефарқ бўлиб қолмайди ва унга тегишли таъсир ўтказади, деб умид билдиради. Бошқа мамлакатлар ҳам Афғонистон масаласида ўз масъулиятини ҳис этишлари, Женева битимларининг рўёбга чиқарилишини, бинобарин эса бутун Афғонистон муаммосининг бартараф этилишини қийинлаштириши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймасликлари ҳам муҳимдир.

Женева битимларига эришишга шу қадар катта ҳисса қўшган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий йўл билан муваффақиятли равишда бартараф этишда ҳам муҳим амалий роль ўйнай олади, деб ўйлаш учун асослар бор. Шу жиҳатдан БМТнинг контрол механизми зарур потенциал ва имкониятларга эга бўлиб, улар БМТнинг фаол ҳаракат қилишига ҳамда томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни қатъий ва аниқ бажаришларини кузатиб туришга имкон беради. БМТ бу ишда аввалларн ҳам бўлганидек Совет Иттифоқининг иложи борича кўпроқ кўмаги ва мададига умид боғлай олади.

Совет Иттифоқи ҳам регионал можароларни бартараф этишдаги Афғонистон тажрибаси муваффақиятли равишда амалга оширилиши учун бундан буён ҳам ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверади. Аммо бунда кўп нарса Женева битимларн барча қатнашчиларининг ҳамда Афғонистон масаласига жалб этилган ҳамма сиёсий кучларнинг сиёсатни иродаси ва қатъиятига боғлиқ, албатта. Реализм, олисни кўра билиш ва Афғонистонда тинчликка интилиш амалда намоён этилган тақдирда Афғонистон муаммоси ҳақида ўтган замонда гапириладиган кунни яқинлаштиришга муваффақ бўлинади. Вазифа шундан иборатки, Афғонистон ишларида янгича тафаккур ва номуҳолифларча ёндашувнинг халқаро муносабатлар системасида тобора кўпроқ йўл очиб бораётган, ҳозирги кунларнинг воқеликлари бўлиб қолаётган кўринишларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш керак.



ТЕЗ ВА КЎРКАМ

Қизилтепа райони бинокорлари уй-жойларни тез ва соз қуришнинг қатор афзал усулларини жорий этдилар. Қурилиш-монтаж ишларини комплекс механизациялаш ва малакали ишчилар билан таъминлаш даражаси ортиб боряпти. Меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги турдош касбларнинг деярли ҳаммасини яхши билади. Булар ишда яхши самара бермоқда.

1-«Агропромстрой» трестига қарашли 211-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг Қ. Турдиев бошлиқ бригадаси бинокорлари ҳар уйни бир ойда қуриб битказишга эришмоқда. Бу кўзда тутилганидан анча қисқа муддатдир. Шу усулда қуриб топширилган 12 уйнинг сифатидан унинг соҳибларн мамнун.

Суратда: кўчма колонна прораби Садриддин Саидов (ўнгда) ва бригада бошлиғи Қилич Турдиев.

В. Молгачев фотоси.

• Партия турмуши: қайта қуриш чорраҳаларида

Яқин ўтмишдан бизга шу нарса маълумки танқид ва ўз-ўзини танқид бўғилган, реал вазиятни, партиявий таҳлил қилиш ўрнини муваффақиятлар ҳақидаги гаплар эгаллаган жойда бутун партиявий фаолият издан чиқади, бегамлик, ғоят жиддий оқибатларга олиб келадиган бебошлик ва жазодан четда қолиш вазияти вужудга келади. Жойларда ҳам, марказда ҳам танбеҳдан ранжийдиган ва ҳатто танқид қилувчиларни таъқиб остига оладиган кўпгина ходимлар пайдо бўлиб қолди.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан).

МИШ-МИШДАН КИМ МАНФААТДОР?

1987 йил 29 май. Йўлдош Суюнов воқеаси шу куни бошланди. Самарқанд область ижроия комитети аппарати бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишида кун тартибига Ж. Суннатовни КПСС аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги масалани қўйиш ҳақида таклиф киритилди. Овозга қўйилди. Ҳамма қўл кўтарди. Ана шу иккинчи масала юзасидан партия ташкилоти секретари Л. В. Папчинская ахборот берди.

15-протоколдан кўчирма: «Ўтган йил октябрь ойида умумий йиғилиш қарори билан Ж. Суннатов КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинганди. Ҳужжатлар вақтида Боғишамол район партия комитетига топширилди. У партия комиссияси суҳбатидан ўтди. Бюро мажлисига таклиф этилиши керак эди. Лекин орадан етти ой ўтдики, ҳалигача уни бюрога чақиришмайди. Менга бу хусусда йиғилишга қадар ҳам савол беришганди. Шу боис райком иккинчи секретари Б. С. Шаронинга учрашдим, обкомда бўлдим. Ҳатто бугун йиғилишга райком вакили келиб сабабини тушунтириб беришини сўрадим, рад жавоби олдим.

Менга тушунтиришларича, шу пайтгача биздан партия сафига фақат масъул ходимлар қабул қилинаётганмиш. Шунингдек, ҳужжатларни тўлғазишда хатоликлар бормиш. Шундай экан, нега вақтида хабар қилишмади. Ким айбдор? Номаълум».

Шундан сўнг муҳокама бошланди. Тўрт киши сўзга чиқиб, райкомнинг бундай иш услубини қоралади. Умумий бўлим мудири Йўлдош Суюнов бешинчи бўлиб сўз олди. Протоколда унинг сўзи жуда қисқа ёзилган. У ҳам райкомдаги ўртоқларнинг масъулиятсизлиги хусусида сўз юритган.

«Йўлдош Суюновнинг сўзи ҳам худди бошқаларникидек бўлди. У бировни пора хўрлигида айбламоқчи эмас». Бу йиғилишда иштирок этган аксарият коммунистларнинг фикри.

«Самарқанд область партия комитетига, Боғишамол район партия комитети ташкилий бўлими сизни хабардор қиладики, 1987 йил 29 май куни область ижроком аппаратининг умумий йиғилишида Ж. Суннатовни партияга қабул қилиш масаласи чўзилаётгани муҳокама этилган. Ижроком умумий бўлими мудири Йўлдош Суюнов Боғишамол райкомида партияга қабул қилишда пора олишади, деб айтган. Бу бўҳтон. Бу КПСС сафларини ўстиришни тартибга солиш вазифаси гарданига юклатилган бўлим ходимлари учун қўпол ва асоссиз ҳақоратдир. Бундай ҳол бўлим тажрибасида бўлган ҳам эмас, бўлмаяди ҳам. Шунинг учун Й. Суюновнинг партиявий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқишингизни сўраймиз.

Бўлим ходимлари: (8 та фамилия, еттита имзо)».

Хўш, ташкилий бўлим қаердан хабар топди? Йиғилиш протоколида бундай гап йўқ. Суннатов масаласига келсак, райком ҳақиқатан ҳам масъулиятсизликка йўл қўйган. Уч ой ичида бошланғич партия ташкилоти хабардор этилиши керак эди. Агар қабул қилишмас экан, нега бу масала бюро мажлисида кўрилмади. КПСС Марказий Комитети инструкцияси талаби шундай эмасми?

Райком ташкилий бўлими мудири Н. Маҳмудов ҳозир область партия комитетида ишлаяпти. У билан бир неча марта суҳбатлашдик.

— Миш-мишга асосланиб шундай йўл тутиш мумкинми? — сўраймиз ундан.

— Йўлдош Суюнов кейинчалик муҳокамалар чоғида ҳам бизни нопокликда айблади.

— Бу кейинчалик... Лекин ўша пайтда сизга бу гапни ким айтди? Бугун ўша одам айтган гапини исботлаб бериши керак.

— Менга иккинчи секретарь айтди.

— У обкомга хат ёзинг, демагандир? Хўш, шундай гапни эшитибсизлар, нега бориб жойида таҳлил қилмадингизлар? Ахир бошланғич ташкилот райкомга бўйсунади-ку?

— Боришнинг ҳожати йўқ эди.

— Коммунистлар билан юзма-юз бўлишдан чўчидингларми?

— Ижрокомда муҳит яхши эмас.

— 29 майда бўлган йиғилиш протоколини ўқидингизми?

— Ҳа, олиб келишганди.

— Унда нима ёзилганини эслай оласизми?

Н. Маҳмудов сукут сақлади.

— Унинг қарорида шундай дейилган: «Ижроком аппарати бошланғич партия ташкилоти коммунистлари сўраймизки, Боғишамол райкоми бу масалага аниқ ва расмий жавоб берсин».

— Бошланғич ташкилот райкомга топшириқ беришга ҳақли эмас, — деди Н. Маҳмудов.

— Бу топшириқ эмас, талаб, илтимос.

— Умуман Йўлдош Суюнов ҳимоя қилган кишининг ўзи нопок.

— Нега? Қандай асосингиз бор?

— Унинг отаси бир неча марта райкомга келган. У область ташкилотларидан бирига раҳбар эди. Бу масалада ошна-оғайничилик, таниш-билишчилик бўлаётганди, биз бунга чек қўйдик.

Бизнинг справка: «Узглавзаготживпром»нинг область трести. 1986 йил 10 март. Буйруқ №7-К. Мазкур идора тугатилиши муносабати билан унинг директори Д. Суннатов пенсияга чиққанлиги учун вазифасидан озод қилинсин».

Унинг ўғлини эса 1986 йил октябрь ойида КПСС аъзолигига қабул қилишди. Хўш, пенсионер киши райкомга қандай таъсир ўтказадийкин? Яна Н. Маҳмудовга мурожаат қилдик.

— Менинг ёнимга келмаган бўлса-да бошқаларга учрашган.

— Шундай экан, нега буни ошкор қилмадинглар?

— Мен унинг ўзига айтиш билан кифояландим.

— Ахир, у область партия комитетига ёзган шикоятида буни инкор этади. Атайлаб обрўсизлантиришди, деб нолийди. Бунинг устига у Самарқанддан чиқиб кетганини биласизми?

— Қозоғистонга, қайсидир бир қурилишга кетган эмиш.

Нўъмон Маҳмудов Йўлдош Суюновни нопок кишини ҳимоя қилишда айблади. Аммо ўша кишининг нопоклигини далиллаб беролмади. Агар у 15-протоколни синчиклаб ўқиб чиққанида эди Жовли Суннатов ҳақида ҳам холис фикрга келарди.

15-протоколдан кўчирма: Усмонов М. У. (ижроком иккинчи бўлими бошлиғи): — Ҳурматли коммунистлар! Суннатовга битта рекомендацияни мен берганман. Мени даҳшатли урушнинг окопларида партияга қабул қилишганди. Тавсиянома беришга юзаки муносабатда бўлолмайман. Мен ўртоқ Суннатовни 3,5 йилдан бери, ҳамкорликдаги иш юзасидан биламан. У интизомли, ўз вазифасига арзирли ходим... Мен ҳозир ҳам уни коммунистлар сафида бўлишга лойиқ деб биламан».

Демак Й. Суюнов уни атайлаб ҳимоя қилган эмас. Бошқалар ҳам у ҳақда Усмонов сингари жон куйдириб гапиришган. Лекин миш-мишдан ким манфаатдор эди? Сайлов арафасида Суюновни обрўсизлантириш кимга керак бўлди?

Райкомнинг иккинчи секретари Б. С. Шаронин ҳозир область партия комитети ҳузуридаги партия контроли комиссиясида ишлаяпти.

— Борис Сергеевич, ўша пайтда Йўлдош Суюнов сўзи ҳақида сизга ким айтганди?

— Ҳозир эсимда йўқ. Қолаверса, ўша одамни ёмон аҳволда қолдиришимиз мумкин.

— Ахир, ўша одамнинг нотўғри ахбороти туфайли бир кишининг тақдири ҳал бўлиб кетса майли-ю, лекин бўхтончи панада юра бериши керакми?

— Кейинги муҳокамаларда Суюнов бизни айблаяптику?

— Шунда ҳам у порахўр деган эмас. Бу ерда сиз таъғин коммунистларнинг тақдири билан шуғулланасиз. Айтингчи, доим ҳақиқат томонидамисиз?

— Бундай савол беришга ҳаққингиз йўқ.

Лекин яна шу саволимизни такрорлаймиз: у киши доим ҳақиқат томонидами ёки ҳозир ҳам миш-мишга асосланиб хулоса ясаяптиларми?

Й. Суюновни энди шикоят ёзишда ҳам айблашяпти. Нега? У ишсиз қолгач, область партия комитетига мурожаат қилди. Хат партия контроли комиссиясига тушди. Кейин бошқа жойларга ёзганларига ҳам ана шу «текшириш» хулосаси жавоб бўлаверди. Хўш, уни шикоятчи-ю, бошқаларни эса ҳақиқатпарвар дея оламизми? Афсуски йўқ! Миш-мишдан ким манфаатдор эди? Бу савол жавобсиз қолди. Жавоб қайсидир бир манфаат билан боғлиқ эмасми?

ИЖРОКОМНИНГ КУЧИ ЕТМАДИ

Май ўтиб июнь ойи келди. Ижрокомда аттестация ўтказилди. Шу куни Й. Суюновнинг оиласида таъзия бўлди. У аттестацияга кела олмади. Унинг ишчанлиги, барча фазилатлари тан олинган ҳолда сиртдан аттестациядан ўтказилди.

Шундан кейин Боғишамол район партия комитети ходимлари томонидан ёзилган хат обкомда расмийлаштирилмасдан «Суюновга жазо кўриш учун» Л. Папчинскаяга шахсан топширилди. У 23 июнь куни Й. Суюновдан тушунтириш хати олди. Йўлдош партия йиғилишида нима деганини сўзма-сўз эслолмаса-да қуйидагини ёзди:

«...Мен ҳақиқатан ҳам Боғишамол район партия комитети адресига танқидий фикр билдирдим. Суннатов масаласида нопоклик бўлаётгани, бу менда ҳам шубҳа уйғотганини айтдим».

Унинг тушунтириш хатидаги бу сатрлар «бошига бало бўлди». 30 июнь куни уни бошланғич ташкилот бюросида муҳокама қилишди. Бюро Й. Суюнов райкомга бориб кечирим сўрасин, деган тўхтамга келди. У райкомга келди. Лекин кутилмаган ҳужумга учради. Ундан танқидини фактлар билан далиллаб беришни талаб қилишди, акс ҳолда ишни прокуратурага оширишларини айтишди. Шунда Й. Суюнов ўз танқидига аниқлик киритди:

Райком протоколидан кўчирма: «Й. Суюнов: — Мен райком ходимлари манфаатдорлиги ҳақида сўз юритганимда, Сизни — ўртоқ Н. Маҳмудовни назарда тутгандим. Чунки сиз Суннатовга «Мен райкомда ишлар эканман, партияга ўтмайсиз» дегансиз».

Бунгача 27 июнь куни ҳам партбюро мажлисида Й. Суюновни муҳокама қилишганди.

Стенограммадан кўчирма: «Н. Н. Васильчикова, партбюро секретари ўринбосари: — Райком ходимлари соф виждон билан айтишсин, бундай нотўғри хабарни уларга ким етказди? Нега улар бошланғич ташкилот қарорини беписанд қилишди? Аниқ жавоблари йўқлиги учун миш-мишга осилиб олишди... Бу нопокликдан дарак бермайдими?»

Шу ўринда Н. Васильчикованинг яхши бир таклифига эътибор қилишмади. У партиявий текширувга асос йўқ эканлиги, райкомга нотўғри хабарни ким етказганини аниқлаш зарурлиги, шунда ҳамма нарса ойдинлашажагини айтди. Аммо обкомдан берилган топшириқ қатъий эканлиги учун бундай таклифларни йўққа чиқаришди.

Шу зайл муҳокамалар давом этаверди. Бу орада область Советининг биринчи сессияси бўлди. Ижроком тайёрлаган рўйхатда Й. Суюновнинг фамилияси бор эди. Лекин сессияда уни туширнб қолдиришди. Сессия арафасидаги ҳангомалар туфайли у бўлим мудирлигига тасдиқланмай қолди.

— У ўз ишини яхши билади, баркамол йигит. Лекин сессия арафасида гап-сўз кўпайиб кетди: — дейди ижроком раиси А. Йўлдошев. — Сессиядан кейин у ишсиз қолди. Биз уни бўшатиш тарафдори эмасдик, шу сабабли ўз жойида ишлаб турди.

— Бу қонунга хилоф бўлса-да?...

— Ҳа, нима қилайлик, кейинги сессияда кўрамиз, дейишди.

Область Советининг иккинчи сессияси арафасида партбюро мажлисида «Коммунист Й. Суюнов ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Буни 24 сентябрь куни умумий партия йиғилишида қараб чиқишга келишилди.

— Бизга Й. Суюнов ўз хатти-ҳаракатлари учун жазо олсин, кейин тавсия қиламиз дейишди, — деди партбюро секретари.

— Ким айтди?

— Обкомдан айтишди. Номини айтиш шартми? Кейин бизга ҳам...

24 сентябрь куни «Коммунист Й. Суюновнинг шахсий иши» йиғилиш кун тартибига қўйилди. Коммунистлар жаҳлланиб қолишди. У нима иш қилдики, шахсий иши кўрилади? Кун тартибидан ўзгартирилди. Л. В. Папчинская текшириш якунларини маълум қилди. Энди Суюновга «нопоклик» сўзини айтгани айб қилиб қўйилди. Сўзга чиққанлар ҳайратда эканликларини айтишди. Й. Суюнов ўзи ҳам сўз олиб ҳақиқатдан райкомни танқид қилганини, бу самимий танқид эканини, бировга туҳмат қилмаганини такрорлади. Йўлдош Суюновни жазолаш ҳақидаги гапга ҳам кўпчилик қарши чиқди. Область ижроком раисининг ўринбосари Б. Ҳамроев ва инструктор М. Умрзоқов ҳайфсан бериш тарафдори бўлишди. Кўпчилик кўрсатиб ўтилсин, деб таклиф киритди.

— Бу партиявий жазо эмас, — деди кимдир.

— Биламиз, — жавоб қилишди коммунистлар. Овозга қўйилди. 9 киши ҳайфсан учун овоз берди. 29 коммунист кўрсатиб ўтилсин деб қўл кўтарди. Бир киши қўшимча текшириш ўтказиш тарафдори бўлди. Бу эса секретарь «номини айтиш шартмикан» деган кишиларга ёқмади. Дарвоқе ким эди бу кишилар? Масалага аниқлик киритиш мақсадида область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Н. Д. Филиппов билан суҳбатлашдик.

— Сиз бу ишга суқилманг, керак бўлса, сиз ҳақингизда ҳам хулоса қилишимиз мумкин, — деди у.

— Мен редакция топшириғини бажаряпман.

— Боринг, бажараверинг. Суюнов масаласида ҳаммаси тўғри ҳал этилган.

Кейин область партия комитети биринчи секретари Н. Р. Ражабовга учрашдим.

— Масалани ўрганишга тўла ҳақлисиз, — деди Н. Р. Ражабов. — Ҳақиқатан ҳам Й. Суюнов хусусида хатога йўл қўйилган. Мен атрофлича ўрганиб чиқдим. Танқид учун таъқиб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Дарвоқе, умумий партия йиғилишидан кейин область Советининг II сессиясида ҳам Й. Суюнов масаласи четлаб ўтилди. 28 сентябрь куни у «Сессияда тасдиқланмагани учун» деган буйруқ билан ишдан бўшатилди. Аммо шу куни Й. Суюнов Оренбург шаҳрига ўқишга кетиши керак эди. У Бутуниттифоқ юридик институтининг мазкур шаҳардаги филиалида, совет қурилиши факультетида ўқиётганди. Унинг чақирув қоғози ярим кун кечиккани учун расман жавоб берилмади. Область ижроя комитетининг 1987 йил 21 февралдаги қарорига биноан ижрокомнинг Суюновни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи бекор қилинди (ижроком бўлим мудирини буйруқ билан бўшатиш ҳуқуқига эга эмас эди, буни ё сессия, ёки ижроком мажлиси қарори билан ҳал этиш мумкин). Аммо чақирув қоғози асосида Й. Суюновга ҳақ тўлашди. Қарорда эса тағин 28 сентябрдан эътиборан бўшатилсин деб кўрсатилди. Бундай чалкашликлар, қонунга зид ҳаракатларни Й. Суюнов ўз шикоятларида қаттиқ қоралади. Шу сабаб ундан узил-кесил қутилиш масаласига тўхталишди. 1987 йил 24 ноябрь куни область Советининг сессиясида у «носамимийлиги, партия этикасини бузганлиги» учун ишдан олинди. Сессияда бу масала ғоят қисқа вақт ичида ҳал этилди. Депутатларга воқеа гапириб берилмади. Шу сабабли сессиядан кейин «Нега? Нима учун?» деган саволлар ўзаро қайта-қайта такрорланди. Афсуски, бу саволни бир-бирларига берган кишилар аллақачон қўл кўтариб, ноҳақликни маъқуллашганди.

Танқид туфайли шу кўйга тушишини билганда Йўлдош Суюнов умуман сўзга чиқмасмиди?

— Чиқардим, — дейди Йўлдош. — Чунки мана шундай курашларгина кимнинг ким эканлигини кўрсатади. Қайта қуриш чорраҳаларидаги тўсиқларни ана шундай вазиятларда кўрамиз. Мени ўз жойимга тиклаш қийин, лекин обрўйимни тиклашим керак!

Ҳа, Суюновни танийдиган кишилар «Қайта қуриш учун шундай ҳалол, виждонли, билимдон йигитлар керак» деган гапни такрор-такрор айтишди. Агар қайта қуришга ишонч йўқолмасин десак, бундай йигитларни синдириб юбормаслигимиз керак, — дейишди.

Бу гаплар нақадар ҳаққоний, самимий ва тўғри эканлиги кишида умидбахшлик уйғотади. Ҳа, бундай йигитлар синиб кетмаслиги керак! Уларни ҳимоя қиладиган куч бор.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИР КОММУНИСТ ТАҚДИРИ

ёки ишдан четлатиш, обрўсизлантиришнинг янги усули ҳақида

• Дунё овози

Совет—Ҳиндистон дўстлиги ойлиги

Деҳлида Совет — Ҳиндистон дўстлиги ойлиги бошланди. У СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 17 йиллиги ва Ҳиндистон мустақиллигининг 41 йиллигига бағишланган.

Ойлик доирасида республиканинг турли шаҳарлари ва штатларида семинарлар, дўстлик кечалари ва митинглари ўтказилади, кўргазмалар ташкил қилинади, совет жамоатчилиги вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Ҳиндистон пойтахтидаги Совет фани, маданияти ва санъати уйи тепасида СССР ва Ҳиндистон байроқлари ҳилпирамоқда. Бу ерда «Москва, москвaликлар ва табиат» кўргазмаси очилди.

Деҳли мэри М. С. Сатхи кўргазмани очиш маросимида гапириб, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон анъанавий мустаҳкам дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ришталари билан боғланганлигини таъкидлади. Бу муносабатларни Махатма Ганди, Ж. Неру, В. И. Ленин бошлаб берган эдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, Совет — Ҳиндистон дўстлиги ойлиги икки муҳим санага — Ҳиндистон мустақиллигининг ҳамда тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг саналарига бағишланган. Шу тариқа биз, деди М. С. Сатхи, бу воқеаларнинг мамлакатларимиз тарихидаги, Совет ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар йилномасидаги аҳамиятини таъкидламоқдамиз.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

✦ **НИКОСИЯ. Эрон маъмурларн наркотик моддаларининг катта туркумини мусодара қилдилар.** Деярли 45 килограмм қора дори ва 185 грамм героин наркобизнесга қарши курашувчи махсус хизмат ходимларининг қўлига тушди. Бу муваффақиятли операция шанба куни Эроннинг Хуросон вилоятида ўтказилди. ИРНА агентлигининг хабар қилишича, жиноятчилар наркотик моддаларни ғайриқонуний йўл билан ташишда айбланмоқда.

✦ **БРАЗЗАВИЛЬ. Бу ерда пойтахт Съездлар саройида Конго революциясининг 25 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.** Мажлисда Конго Халқ Республикасининг президенти Дени Сассу-Нгессо нутқ сўзлаб, мамлакатнинг чорак аср давомида сиёсий, иқтисодий, социал соҳаларда эришган ютуқларига тўхталиб ўтди. 1963 йил август революцияси Конго халқи тарихида бурилиш нуқтаси бўлганлиги таъкидланди. Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун деди президент, миллий бирликни, Конго Меҳнат партияси, оммавий жамоат ташкилотлари бирлигини мустаҳкамлаш зарур. (ТАСС).

• *Тюмень областида Ўзбекистон кунлари*

ЯНАДА ФАРОВОН ЯШАЙМИЗ

Тюмень областида Ўзбекистон ССР маданияти кунлари давом этмоқда. Область маркази ва навқирон Нягань шаҳрининг концерт заллари, маданият уйлари саҳналарида, вахта усулида иш олиб борилаётган посёлкаларда, қурилиш бўлинмаларида, ёзги саҳналарда республикамизнинг етакчи артистлари ўз санъатини намойиш этмоқдалар. Дўстлик байрамида китоб ярмаркалари уюштирилиб, Ўзбекистондан олиб келинган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилган.

Республиканинг «Олмос» бирлашмаси ходимлари келтирган Ўзбекистоннинг ёдгорлик буюмлари сибирликларда зўр қизиқиш уйғотди. Республикамиз пойтахтидаги «Тошкент» ресторанининг моҳир пазандалари Шимолдаги ўлка аҳолисини Шарқнинг анъанавий таомларидан баҳраманд этдилар. Сибирда август ойи иссиқ ва қуёшли келганлиги ҳам байрамнинг яхши ўтишига имкон бермоқда.

Тюмень шимолидаги қазилма бойликларини ўзлаштиришга оид умумхалқ ишида қатнашаётган «Узтюмендорстрой», «Узтюменжилстрой» трестлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон вакиллари Тайганинг ўтиш қийин бўлган жойларида ва ботқоқликлари орқали 300 километрдан ортиқ тош йўл, 15 та кўприк, 60 минг квадрат метр уй-жой, кўплаб социал-маданий-маиший объектлар қурдилар. Нефтчилари миз сибирлик ҳамкасбларига қудуқларни ремонт қилиш ва уларни ишлатишда ёрдам бермоқдалар.

КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков ўзбекистонлик биродарларнинг меҳнатига ғоят юксак баҳо берди. Республикамиз делегациясининг область раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувида алоқаларни кенгайтириш, дўстликни мустаҳкамлаш тўғрисида ошкора, қизғин гаплашиб олинди.

Мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплекси бизда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг негизидир. Бундай муносабатларни ривожлантиришдан ҳаммамиз манфаатдормиз. Тюмень областининг тажрибаси бу фикрни айниқса яққол тасдиқламоқда. Қисқа вақт ичида бу ерда барча республикаларнинг куч-ғайрати билан ноёб ёқилғи-энергетика комплекси барпо этилди. Комплекс жаҳонда қазиб олинаётган газнинг учдан бир қисмини ва нефтнинг ҳар эттн тоннасидан бир тоннасини бермоқда.

Мамлакатнинг барча республикалари вакиллари бўлган 80 дан ортиқ миллат намояндалари Тюмень шимоли бойликларини ўзлаштирмоқдалар. Улар айни вақтда янада қимматли бойлик — янги интернационал бирликни вужудга келтирмоқдалар. Тюмень областида ҳар уч никоҳдан бири турли миллат фарзандлари ўртасида тузилмоқда. А. Твардовский сибирликлар тўғрисида «қурама халқ, аммо саралар бўлдик. Самарқанд областидаги қишлоқдан бўлган Э. Боймуродов армия сафида Сибирда хизмат қилди. У хизмат муддатини ўтаб бўлгач, шу ерда уйланди ва доимий яшаб қолди. Ушандан бери орадан 15 йил ўтди. Эргаш «Главтюменнефтегаз» трести-да юк машинаси ҳайдовчиси келтирмоқдалар. Тюмень об- бўлиб ишлайди, хотини Мавлия эса давлатга патент тўлаб шарф тўқийди. Ёш оиланинг иккита сигири, 25 сотиқ ери бўлиб, у ерга картошка ва полиз маҳсулотлари экилган.

Эргаш ва Мавлиянинг бир қизи ва ўғли бўлиб ёш оила фаровон ҳаёт кечирмоқда. Оила аъзолари уч тилда — ўзбек, татар ва рус тилида сўзлашишади.

Бундай оилалар тобора кўпайиб бормоқда. Биз Боймуродов билан область филармониясида, Ўзбекистон санъат усталарининг концертида танишдик. Одамлар билан лиқ тўлган залда кўплаб юртдошларимизни учратдик. Тошкент давлат университети студентларининг «Юрист» қурилиш отряди аъзолари, солдатлар, ишчилар, қурувчилар бор эди. «Баригал» қўшиғига рақсга тушган Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедовани томошабинлар узоқ олқишладилар.

Саҳна усталаримиз тюменликларга бугунги кундаги ўзбек санъатининг барча жиҳатларини намойиш қилдилар. Балет ва опералардан парчалар, «Зарафшон» фольклор ансамбли ижросида халқ куйлари ва рақслари, рус романслари ва қўшиқлари, «Садо» ансамбли ижросидаги ашулалар ижро этилди.

Область виставкалар залида очилган «Ўзбекистон санъати» кўргазмаси шаҳарнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Рассомлар союзи Тюмень диёрига тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика, манзарали-амалий санъатга оид 200 дан ортиқ асар юборди.

— Бу ерда ўзбекистонлик рассомлар барча авлодининг вакиллари кейинги 15-20 йил ичида яратган асарлар намойиш қилинмоқда,— дейди республика Рассомлар союзидан вакил бўлиб келган рассом Жавлон Умарбеков. — Бу галги кўргазма олдингиларидан фарқ қилиб, бу ерда картиналарни сотиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон экспозицияси Тюмень рассомлари картиналари галереяси билан ёнма-ён ташкил этилган. Ўзбекистон ва Тюмень рассомларининг ижодий изланишида кўпгина ўхшашликлар борлигини кўрамиз. Ёш ўзбек рассоми М. Тўхтаевнинг «Ғурумсаройдан бошланган саёҳат» асарида ифодаланган ғояни тюменлик М. Гардубейнинг «Конформизм» асарида давом эттириш мумкин.

В. Дегтяровнинг «Амударё» деб аталган ҳайкалини кўздан кечирган томошабинлар қорақалпоқ аёли тимсолида сибирлик аёлни кўргандек бўлдилар. Н. Қўзибоев ўзининг «Тогда баҳор» картинасида тасвирлаган пушти ва бинафша ранглар гўё тундра манзарасини акс эттиргандек.

Дўстлик байрами программаси ғоят тиғиз. Ҳар бир соатда янги-янги учрашувлар, концертлар уюштирилиб, меҳнаткаш ўлка корхоналарига сафарлар ташкил этилмоқда.

Б. ҲАСАНОВ,
И. ХИСОМОВ,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.
Тюмень — Нягань.

ГАЗЕТХОН:

СЎЗ СЎРАЙДИ:

Масъулиятни ҳис этиб

Турғунлик даврида, айниқса, мактаб ҳаётига фан-техника ютуқлари секинлик билан кириб борди. Билим масканлари зарур техника воситаларини ололмади. Давлат миқёсида мактабга «қолдиқ фонд»ларни ажратиш сиёсати ўтказилганлиги, мавжуд техника воситалари ҳамма ўқув юртларига бирдай тақсимланмаслиги бунга асосий сабаб бўлди.

Сир эмас, кейинги вақтларда ота-оналар, жамоатчилик мактаблардаги ўқитиш сифатидан қониқмаяптилар. Менимча, бу нохушликнинг энг объектив сабабларидан бири, илмий-методик адабиётларнинг ўзбек тилида етарли чоп этилмаслигидир. Устига устак, ойда бир чиқадиган «Совет мактаби» илмий-методик журнали предметларни ўқитиш масалаларини кенг ёритолмаяпти. «Информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси», «Оилавий ҳаётнинг этика ва психологияси» каби фанлар ҳақида эса саноқли мақолалар бёрилди, холос. Менимча, «Совет мактаби» журнали базасида физика-математика-информатика, химия-биология, тил ва адабиёт, расм-чизмачилик-эстетика, меҳнат таълими предметларини ўқитиш каби ҳеч бўлмаса икки ойда бир марта нашр қилишга мўлжалланган республика миқёсидаги журнал чоп этиш вақти келди.

Б. КАРИМОВ,
ўқитувчи,
Тошкент шаҳри.

ХАБАР ҚИЛАДИ:

Болалар фондига

● **Бахмал райони маорифчилари 1986—1987 ўқув йили якуни ҳамда мактаб, мактабгача тарбия муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида иштирок этиб, голиб деб топилган эди.** Яқинда шу муносабат билан ажратилган 15 минг сўм мукофот пули район халқ маорифи бўлими счётига келиб тушди. Маорифчилар юборилган мукофот пулининг беш минг сўмини В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондига ўтказишга қарор қилишди.

Ш. КАРИМОВ,

Зиё маскани

● **Наманган область Косонсой районида меҳнаткашларга қутубхона хизмати кўрсатиш яхши ташкил этилган.** 57 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган бу қутубхона ходимлари ҳозирги кунда олти мингдан ортиқ китобхонга хизмат қилишяпти. Зиё маскани ходимлари райондаги колхоз ва совхозларда бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида китоб пропагандасини кучайтирмоқдалар. Хилма-хил мавзуларда суҳбатлар уюштириб, тушунтириш ишлари олиб боряптилар. Бундан ташқари дала шийпонларида ҳам кўчма кутубхоналар ташкил этилган. Бу ерда атеистик темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

ТАНҚИД ҚИЛАДИ:

Ким қайғуради?

● **Яқинда Ангрен дарёси бўйига дам олгани боргандик.** Бизни бир нарса ҳайратга солди. Дарё ўзанида ҳар хил, катта-кичик темир-терсаклар сочилиб ётибди. Улар орасида юк машиналарининг кузовидан тортиб, енгил машиналарнинг эшигигача, тракторлар ғилдирагию велосипедларнинг рулигача топилади. Уларнинг кўпи узоқ вақтдан бери шу ерда ётгани сабабли лойга қоришиб кетган. Наҳотки ана шу темир-терсакларни йиғиб, металларни қайта ишлаш заводларига топширишнинг иложи бўлмаса? Ахир уларнинг ҳар биридан хўжалик эҳтиёжлари учун зарур моллар ишлаб чиқарса бўлади-ку. Шундай экан, экономикани мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири тежамкорликка нисбатан лоқайдлик қилишга қарши жиддий курашмоқ керак.

Ш. НЕЪМАТОВ,
Андижон области.

Шу ҳам меҳмонхонами?

● **Қўқон шаҳри марказида жойлашган «Октябрь» колхоз бозорига қарашли меҳмонхонада бўлганмисиз?** Қарийб ўттиз йилдан буён меҳмонларга хизмат кўрсатаётган бу меҳмонхонада ҳозир 27 киши меҳнат қилади. Бироқ йўловчи-меҳмонлар учун бу ерда бирон-бир шароит яратилмаган. Хоналарда радио точкалари бору, аммо радионинг ўзи йўқ. Сув таъминоти масаласи ҳам ёмон аҳволда. Маълум бўлишича, совуқ сув челаклаб ташқаридан келтиришлар экан. Бу ҳам майлия, йўловчилар учун ҳатто ювиниш хоналарининг йўқлигини қандай баҳолаш мумкин. Номигагина меҳмонхоннинг кимга ҳам кераги бор? Бунга Қўқон шаҳар ижройя комитети раҳбарлари нима дейишаркин?

У. МУҲАМЕДОВ,
Фарғона области.

• *Бугун — Толлимаржон ГРЭСи қурилишида*

ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Тўсатдан келган сел оқими Толлимаржон бош корпуси қурилаётган котлованга уриб, ишни тўхтатиб қўйди. Лекин Владислав Южалкин бошлиқ бригада азаматларининг шижоати туфайли офат оқибати тезда бартараф этилди. У—Барнаулдан Қарши даштини ўзлаштиришга келган биринчи чўлқуварлардан. Ҳозир бу ерда меҳнат авжида. Улкан нурхонанинг пойдевори жадал бунёд этилмоқда. Ҳозироқ 1 миллион сўмликдан кўп қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Гигант нурхонани бунёд этишда 11 та пудратчи ташкилот қатнашмоқда. Бир суткада 500 кубометр қоришма тайёрлайдиган бетон заводи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ҳа, қурилиш зарбдор суръатлар билан бормоқда. Лекин хом ашё ва материалларнинг вақтида етказиб берилмаётганлиги ишнинг белига тепмоқда. Қурилишда кранлар, бульдозерлар, металл ва металл конструкциялари, ҳар хил материал, техника ресурслари етишмайди.

Айрим пудратчи ташкилотлар сусткашлик қилмоқдалар. Қурилишдаги махсус ишлар бошқармаси водопровод тармоқлари, канализация қуриш ишларини чўзиб юбормоқда. «ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси фаолиятида ҳам дуруст силжиш йўқ.

Қурувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермайди. Алоқа тармоқлари қурилиши ниҳоясига етказилмаган. Бунёдкорларга сабзавот, ҳар хил мева-чевалар етказиб бериш ёмон аҳволда.

И. ҲИКМАТОВ,
Нишон район «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори.

Эл дастурхонига

Яқинда Андижон шаҳри магазинларида тирик балиқлар ўтган йилгидан анча олдин пайдо бўлди. Бу Комсомолобод райони балиқ хўжалиги мутахассислари томонидан ўтказилган эксперимент яхши самара берганлигини кўрсатди.

Бу йил балиқчилар қишда асосий ҳовузларда қолдирилди. Бунинг учун 70 гектар майдон ажратилди. Кузатувларга қарағанда, илгаригидек шароитда ва ўша рацион билан боқилган тақдирда ҳам балиқчилар тез ўсди. Бу эксперимент натижасида хўжалик балиқчилари одатдагидан барвақт балиқ овлашга киришдилар ва уни реализация қила бошлашди. Мавсум охиригача савдо тармоқларига хўжаликдан 800 тонна тирик ва 150 тонна қоқланган балиқ жўнатилади.

Суратда: хўжаликда балиқ овлаш пайти.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

• *Қайта ишлаш корхоналарида аҳвол қандай?*

ОВОРАГАРЧИЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Ҳар йили ёз ўрталарида область колхозларидан помидор ортиб келган тележкуёш тиғлари остида ўз-ўзидан томатга айкалар, машиналар Бухоро консерва заводи олдида турна қатор бўлиб тизилишади. Ушбу корхонага топширишади-ю хўжаликларитўрт кунлик навбат кутишдан кейин уларга қайтишади.

— Мавсум бошланиши билан ҳаммамизни бамисоли безгак тута бошлайди, — кўнгил ёрди завод директори Ғ. Ҳайруллаев. — Кейинги йилларда ишлаб чиқариш қувватларини деярли оширмасдан, тайёрланаётган маҳсулотлар турини қарийб 3 баравар кўпайтирдик. Лекин агросаноат комитети раҳбарлари биздан бу кўрсаткични янада оширишни кутишмоқда. Хўш, нимангни ҳисобига? Буёғи билан ҳеч бирининг иши йўқ. Устига устак, чет элда ишлаб чиқарилган технологик линиямиз учун эҳтиёт қисмлар етишмаётир. Уларни журим собиқ раҳбарларнинг ўзбошимчалиги билан завод қурилиши Ғиждувонга кўчирилди. Сабабини меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш билан изоҳлашди. Лекин на меҳнат ресурсларидан, на корхона қувватларидан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилди.

Бир неча йилдирки, завод ишга ҳам тушди. Директори 7 марта алмаштирилди. Малакали кадрлар билан таъминланмади. Бунинг устига корхона ишлаб чиқариши учун лозим бўлган сув танқислигига барҳам берилмади. Райондаги ичимлик сув сотавида туз миқдори ҳар бир литр ҳисобига 28 граммни бу йилги ҳосилдан 9700 тонна помидорни Бухоро консерва заводига ташишга шартнома тузишди. Чунки Ғиждувон заводи 1800 тоннагина помидорни қайта ишлаш қувватига эга, холос. Ажабланарли томони шундаки, корхонада ихтисослаштириш принципи бузилиб, 30 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш планлаштирилган. Натижада, колхозчилар ҳом ашёни 70-80 километр масофадан Бухорога ташишга ва кунлаб завод эшигини пойлаб ўтиришга мажбурлар.

Оворагарчиликнинг чеки йўқдек кўринади. Зеро, Бухорода янги консерва заводи ташкил қилмоқда. Бундай сув билан консерва ишлаб чиқариб бўлмаслиги барчага аён. Ундаги туз миқдорини норма даражасига келтириш учун корхонада сувни чучуклантирувчи қўшимча ускуналар ўрнатишга тўғри келди. Пировардида давлатнинг 5 миллион сўм маблағи сарфлаб қўйилган корхонанинг самарадорлиги пастлигича қолаверди.

Биз заводда бўлган куни унинг фақат биргина механизациялашган линияси ишлаётган эди. Бош механик Ҳ. Камоловнинг айтишича, иккинчи линия резерв тарзида ўрнатилганмиш. Ҳолбуки, иккала линия тўла қувват билан ишлатилмаслигига стерилизация мосламалари битта линияга мўлжалланганлиги халақит бераётган экан. Шундай бўлишига қарамай учинчи линияни ҳам ўрнатишга жадал уринишлар бўляпти. Келгусида унинг ҳам бекор турищи ҳеч кимни «қизиқтирмаяпти»-да?

Мана шундай хўжасизликлар туфайли ҳар йили юзлаб тонна помидор бошқа областлардаги корхоналарга жўнатилмоқда. Чунончи, ўтган йили фақат Фрунзе номли совхознинг ўзидан 1600 тонна помидор қўшни Самарқанд, Қашқадарё консерва заводларига қайта ишлаш учун юборилишга мажбур бўлинди. Бу йил область агросаноат комитети раҳбарлари совхоз маҳсулотини шу ернинг ўзида ишлашга ваъда беришган. Аммо ҳозирги мавжуд аҳвол бунга имкон бермайди.

Ғиждувон район хўжаликлари ўз ёнларида консерва заводи бўлишига қарамай, қурилиши учун эндигина лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлашга киришилди. Унинг қурилиб, ишга тушиши учун яна бир беш йиллик керакка ўхшайди. Сарсон-саргардонлик жонга теккан айрим хўжаликлар ўз ташаббуслари билан кичик консерва заводлари қуриб олишга уринмоқдалар. Жумладан, Бухоро районидаги «Маданият» колхозида йилига 3 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиши поёнига етай деб қолди. Шофиркон районидаги «Шофиркон» колхозида ҳам янгидан шундай завод қурилиши давом этяпти. Қоракўлликлар вино пункти қошида кўчма консерва заводи яратиб, уни ишлатишга киришдилар. Ғилдираклар устига ўрнатилган бу «завод» хўжаликлар кезиб, консерваларни тайёрламоқда.

Бироқ колхоз шароитида бундай заводларни қуриш осонмас, ахир. Айниқса кичик консерва заводлари учун ускуналар топиш қийин. Назимизда, республика машинасозлик корхоналаридан бирида нисбатан мураккаб бўлмаган шундай зарур ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида ўйлаш керак. Ҳар бир колхоз ёки ҳеч бўлмаганда бир неча хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиб, уларни қайта ишловчи консерва заводлари бўлган тақдирда хом ашё нобуд бўлмайди. Ортиқча оворагарчилик ҳам.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Обуна—89

ТАНИШИБ ОЛДИК, ЭНДИ БУЁҒИ НИМА БЎЛАДИ?

Кўпайиб бораётган совет журналлари сафига бу йил яна бир ҳафталик — ТАСС ва СССР Журналистлар союзининг нашри бўлган «Эхо планеты» (Ер юзи овози) журнали қўшилди. Биз мазкур журналнинг бош редактори Н. К. Сетунскийдан ҳафталик фаолиятининг дастлабки натижалари тўғрисида сўзлаб беришни, ижодий режаларни баён этишни илтимос қилдик.

— Кичкинагина «Юбилей»ни ҳам ўтказиб олдик. Ҳозиргина босмахонадан журналимиз 20-сонининг сигнал нусхаси келди,— деди Николай Константинович. — «Эхо планёти» тўрт ойдан бери чиқмоқда. Шу боисдан, ҳатто дастлабки тарзда бўлса ҳам якун чиқаришга ҳали эрта. Журнал эндигина «қад» ростламоқда, ўз йўлини ва ўз ўқувчисини қидирмоқда. Бу ҳақда фақат журналхонларгина ҳукм чиқариши мумкин. Журналимизнинг биринчи саҳифасида эълон қилинган мактубларда редакция ишига умуман ижобий баҳо берилди, бу бизни ҳушнуд этади, албатта. Биз танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган хатларни ҳам оляпмиз, албатта, журналнинг биринчи сонлари чиққанидан кейинги даврга нисбатан бундай хатлар анча камайди. Танқид қанчалик аччиқ бўлмасин, биз барибир эълон қилмоқдамиз. Барча амалий фикрларни ҳисобга олишга, редакция режасини шунга кўра ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Жаҳон миқёсидаги ахборот агентлиги бўлган ТАССнинг мухбирлик тармоғи афзалликларидан имкони борича тўлароқ фойдаланиш йўли самарали йўл эканлигини дастлабки тажрибамиз кўрсатиб турибди. ТАСС журналистлари жаҳондаги 127 мамлакатда ишламоқдалар, гарчи бу мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам журналимиз саҳифаларида ёритилмаётган бўлса-да, халқаро журналистикамизнинг «қўлини яна ҳам узайтириб» ана шу мамлакатлар ва элатлар ҳаётидан ҳам лавҳа, очерк, репортаж ва бошқа материаллар бериш ниятимиз бор. Агар журналимиз саҳифаларини варақласангиз, кундалик матбуотимизда унча кўп учрамайдиган — Камерун ва Буркина-Фасо, Гватемала ва Таиланд, — Бирлашган Араб амирликлари ва Бирма мамлакатларининг номларига кўзингиз тушади... Журналимизнинг номидан кўриниб турганидек, у ҳақиқатан ҳам Ер юзи овози бўлиши, агар таъбир жоиз бўлса, бутун курраи-заминни қамраб олиши, ўқувчига лўнда, мағзи тўқ ахборотни етказиши лозим. Чунки журналимиз халқаро ҳаётнинг долзарб мавзуларига бағишлангандир.

Ҳафталик журналимиз қутлуғ кунларда — янги сиёсий тафаккур негизида совет ташқи сиёсати ва дипломатияси қайта қурилаётган кезда чиқа бошлади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида «халқаро масалалар хусусидаги ахборот сифатини анча кўтариш лозим», деб зиммамизга вазифа юкланди. Назаримизда, бунинг маъноси шундаки, мамлакатимиз ташқи сиёсатини, Ер юзи ҳаётини ёритишда халқаро журналистикамизга фикрлар ва баҳоларнинг турли-туманлиги кириб келиши лозим, сийқаси чиққан гаплардан, бир қолипдаги ташвиқотдан қатъиян воз кечиш даркор. Ҳозирги дунёнинг мураккаб, ҳар томонга йўйса бўладиган жараёнларини ақл-идрок билан таҳлил этиш лозим бўлади.

Журналимизни диққат билан ўқиётган ўқувчи сезгандир: социализм мамлакатлари муваффақиятларини баён этиш билан бир қаторда биз ушбу мамлакатлар тараққиёти масалаларини ёритганимизда «олам гулистон бўлиб кетди» сингари баландпарвоз гаплардан қатъиян воз кечиб, бу мамлакатлар ҳаётини бутун мураккаблиги, зиддияти ва баъзан эса қарама-қаршиликлари билан тасвирлаб бермоқдамиз. Масалан, журналимиз Польшада иқтисодий ислоҳот дуч келаётган қийинчиликлар ҳақида ҳам, Югославиянинг Косово автоном ўлкасидаги этник муаммолар тўғрисида ҳам, Венгрия— Руминия муносабатларидаги чигалликлар ҳақида ҳам ёзди.

Ғарбдаги ҳаётни ёритишга жўн ёндашувдан воз кечишни ҳам вазифаларимиздан бири деб биламиз. Буржуа дунёсининг социал иллатларини танқид қилиш танқидбозликка айланиб кетмаслиги керак. Ғарбда фақат ёмон нарсаларнигина эмас, айни вақтда диққат-эътиборга лойиқ бўлган яхши нарсаларни ҳам кўришга ўрганиш керак. Масалан, биз «чет эл тажрибаси» рубрикаси остида Япониядаги «Тоёта» концерни корхоналарида ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этиш, Швецияда қарияларга социал ёрдам системаси тўғрисида ва бошқалар ҳақида ҳикоя қилдик.

Ер юзи ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараёнларни ёритар эканмиз, биз ўзимизнинг фикр ва баҳоларимизни тиқиштиришга ҳаракат қилаётганимиз йўқ. Мухбир ўзи гувоҳ бўлган, кўрган-кечирган воқеалари ҳақида ахборот юборади-да, ўқувчи билан биргаликда мулоҳаза юритишга, ўйлаб кўришга таклиф этади. Мураккаб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган сиёсий муаммолар хусусида биз кўпинча чет эллардаги сиёсат ва жамоат арбобларига, олимлар ва журналистларга сўз бермоқдамиз. Масалан, АҚШ давлат секретари Ж. Шульц, Америка мудофаа министри Ф. Карлуччи, Ғарбий Германиянинг таниқли сиёсат арбоби Э. Барр қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида янги аҳдномаларга эришиш истиқболлари тўғрисида берган баҳолар ўқувчига турли позициялар ва ёндашувларни бир-бирига солиштириб кўриш ва шуни инобатга олиб, муаммога ўз муносабатини белгилашга имконият беради.

Ҳозир партиямиз тарихий адолатни тиклаш, ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган қабоҳатни яшириб кетишнинг кўпдан-кўп ҳолларига барҳам бериш учун кураш-моқда, журнал ана шу ишда фаол иштирок этишни ўзининг бурчи деб билади. «Югославиянинг сазойи қилиниши» материалида биз 1948 йилда Совет — Югославия муносабатларидаги кулфатли воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб бердик. Мамлакатимизда биринчи бўлиб Титонинг Сталинга ёзган, илгари совет матбуотида эълон қилинмаган мактубларини чоп этдик. Христиан Раковский тўғрисида очерк билан биз Сталин репрессияларининг жабрдийдалари бўлган интернационалчи коммунистларнинг фожиали тақдири тўғрисидаги материалар туркумини эълон қилишга киришдик. Яқин орада ўттизинчи йилларда Совет Иттифоқида яшаган ва меҳнат қилган немис антифашистларининг қисмати тўғрисидаги тадқиқотни ёритамиз.

Айни вақтда биз, сиёсий муаммолар неғчлик муҳим бўлмасин, Ер юзи ҳаёти фақатгина ана шу масалалардан иборат эмас, деб ҳисоблаймиз. Журналда экономика, демография, экология ва бошқа қизиқарли ахборотлар таркиб топган материаллар кўп босилмоқда, бу мақолалар лавҳа ва корреспонденциялар Ер юзидаги турли халқларнинг ҳаёти, турмуши, анъаналари, урф-одатлари, жаҳондаги илм-фан, маданият ва спорт янгиликлари билан таништиради.

Редакция журналнинг ҳар бир сонида ўқувчи биронбир нашрда эълон қилинмаган ноёб, нодир материалларни топиши керак, деган умид билан ишламоқда. Ҳозир столимда журналнинг 20-сони турибди, унда папа Иоанн Павел II нинг сиёсий қиёфасига оид очерк эълон қилинган. Бу материал журналист бисотидаги маълумотлар асосида ёзилмаганлигини айтиб ўтмоқчи эдим, очеркни ёзишдан илгари муаллиф папа билан учрашган ва суҳбатлашган. Шарқ медицинаси билан қизиқаётган ўқувчиларга биз Хитойда нашр этиладиган «Кэсюэ Хуабао» илмий журнали тавсия этаётган соғломлаштириш машқларини тавсия этамиз. Ҳозироқ редакциянинг анчагина сирларини айтиб қўйганга ўхшайман, энди буёғини пинҳон тута қолай. Муҳтарам ўқувчимиз журналнинг ҳар бир сонида нодир материални ўзи топа билади.

Энди журналимизга илова қилинаётган рангли суратлар кўпчилик ўқувчиларимизга маъқул бўлаётганини айтиб ўтмоқчи эдим, бу суратларда «дунё шаҳарлари», «тарих ёдгорликлари» ва бошқа мавзуларда жажжигина фотоальбомлар тузса бўлади. Рангли суратларнинг уч туркуми Ватикан музейларига бағишланади. Сеулдаги Олимпиада ўйинлари ҳам рангли расмларда акс этади, албатта.

«Эхо планети» журналига обуна бўлишдаги қийинчиликлар, журнални етказиб беришдаги ҳардам хаёллик тўғрисида ўқувчиларимиздан анчагина шикоят хатлари келиб турибди. Журналнинг 19-сонида мухбиримиз ана шу масалалар хусусида СССР Алоқа министрлиги матбуот тарқатиш бўлими бошлиғи В. М. Пронин билан суҳбатлашган. Шуни эслатиб қўймоқчиманки, журналимизга 1989 йил учун шахсий обуначилар 1 августдан 1 ноябргача, идоралар эса 15 августдан 15 сентябргача ёзилишлари мумкин. Айни вақтда бу йилга ҳам обуна давом этмоқда. Журналимизга, масалан сентябрь ойидан обуна бўлишни истасангиз шу ойнинг биринчи числосигача ёзилишингиз мумкин. Обуна чекланмаган бўлса-да, у чакана савдога кўп чиқарилмаяпти.

(ТАСС).

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

«...Республикада хизмат кўрсатишнинг қониқтирмайдиган, балки асабийлаштирадиган механизми мавжуд бўлишининг сабаби шундаки, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари одамларнинг кундалик ташвишларига кўп жиҳатдан бефарқ қараб, бу ташвишларни писанд қилмаяптилар».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига диққат-эътиборни кучайтириш тўғрисида»ги қароридан).

«Совет Ўзбекистони» рейди

ХОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти! Пахтакорларга, деҳқон ва чорвадорларга бевосита хизмат кўрсатишга мутасадди ташкилотлар ўз фаолиятларини қайта қуриб оляптиларми! Рейд давомида хўжаликлар, маҳаллий Советлар ижрокоми раҳбарларига, механизаторлар ва сувчиларга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик. Аҳолига хизмат кўрсатишга мутасаддди кишилар билан шу хусусда суҳбатлашдик, мунозара юритдик.

— Йўқ, далада хизмат кўрсатишга мутасаддилигини сезаётган бирорта ташкилотнинг ўзини билмаймиз, — деди Октябрь районидаги Тимирязев қишлоқ Совети секретари Тункербой Зулпхаров. — Савдони олиб кўрайлик. Район матлубот жамияти ҳатто посёлка марказидаги магазинларни кундалик эҳтиёж моллари билан таъминламайди. Бундан бир ой илгари ун сотишганди. Ёз бўйи 300 килограмм шакар келтиришди. Жанжал-тўполон билан олган олди, ололмаган афсусланиб қолаверди. Кўчма савдо эса умуман йўлга қўйилмаган. Паррандачилик фабрикасида 350—400 киши ишлайди. Бу йил совхозимиз 450 гектар майдонда деҳқончилик қиляпти. Бирор марта автолавкаларнинг дала оралаганини, фермага келиб савдо қилганини кўрмадик.

Қишлоқ Совети секретарининг куюнганича бор экан. Посёлка марказидаги магазинларда эҳтиёж учун энг зарур моллар ҳам йўқ. Оқибатда аҳоли 25—30 километр йўл босиб озиқ-овқат маҳсулотларини, хўжаликка зарур бошқа молларни Жиззах шаҳридан олиб келишга мажбур бўлишмоқда.

Ҳ. Олимжон номли совхознинг Абийир Ражабов етакчилик қилаётган 2-бригадаси аъзолари 170 гектар майдондаги ғўзани сифатли парвариш қилмоқдалар. Бир текис ривожланган ғўзанинг ҳар тупида 6-7 тадан тўқ қўсак мавжуд. Пахтакорлар ғўзага учинчи марта сув бердилар. Энди яна чеканкани бошлаш, қисқа фурсатда тугатиш лозим. Аммо... бригада бошлиғи А. Ражабов жуда тажанг эди.

— Эртага ёппасига чеканкани бошлашимиз керак, — деди у норози оҳангда. — Звено бошлиқларидан Очилбой Қўшбоқов, Иброҳим Тошпўлатов, Жуманазар Қаршибоевлар машина сўраб келишибди. Жиззах ёки Пахтакор районига боришиб, ун, шакар-қанд олиб келишармиш.

Бригадада бор-йўғи битта автомашина бор. У одам ташиш, ишдагиларга чой-нон етказиб беришдан бўшамайди. Даладаги механизмларга эҳтиёт қисмларни вақтида олиб борадиган ҳам ўша. Бу ёқда эса яна бошқа ташвиш.

Бундай ҳол бригадаларда тез-тез бўлиб тураркан. Бригада бошлиғи Анвар Мамат қуловнинг таъкидлашича, бригада аъзолари бир неча марта пул тўплашиб, қўшни Фориш райони ва ҳатто Сирдарё области магазинларидан ун келтиришга мажбур бўлишибди.

— Нафақат ун, ишчи-хизматчиларимиз пахта ёғи, сариёғ, уй ремонти учун бўёқ, оҳак ва ҳатто банка қопқоқларини ҳам қўшни районлардан, Жиззах шаҳридан келтиришга мажбур бўлишяпти, — деди хўжалик партия ташкилоти секретари Абдусодиқ Мамаев.

Икки кунлик рейд давомида райондаги бирорта хўжалик даласида матлубот жамияти ходимларини, сотувчиларни кўрмадик. Аксинча, совхозларнинг ишчилари у ёки бу нарсани харид қилиш учун даладаги ишларини ташлаб, совхоз марказларига келиб-кетмоқдалар. Бир пайтлар дала шийпонларида ташкил этилган, кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қиладиган сотувчисиз дўконлардан асар ҳам йўқ.

— Оиламиз билан парваришга олган 10 гектар ғўза майдонимиз бу ердан 6-7 километр узоқликда, — деди Ф. Хўжаев номли совхоз ишчиси Маҳпират Ражабова. — Нон ва гуруч харид қилиш учун ишни ташлаб атайлаб посёлка марказига келдик.

9-мактаб ўқитувчиси Улбўсин Назарова магазиндан бир ойдан бери ун сотилмаганини, ўтган ойда эса қуртлаб кетган ун келтиришганини айтди. У биринчи нав деб сотилаётган гуручни ҳамроҳимиз — раПО вакили Қ. Зариповга кўрсатиб сифатсизлигидан арз қилди. Сирдарёдаги корхонада ишлаб чиқарилган бу гуруч ёрмадан деярли фарқ қилмас эди.

— Гуруч ва уннинг сифатсизлиги ҳақида менга ҳеч ким, ҳеч нарса демади, — дейди район матлубот жамиятининг раиси Бахтиёр Тожибоев блокнотига бу фактларни қайд қилган бўлиб. — Лекин магазинларимизнинг ночорлиги рост. Менимча, уй фонди умуман нотўғри тақсимланган. Ҳар ойда олаётган 36 тонна ун эҳтиёжларимизни мутлақо қопламайди.

Аммо райс ўзи нотўғри деб ҳисоблаётган тақсимотни тўғрилаш учун нима қилаётгани, нималарга эришаётгани ҳақида бизга ҳеч нарса деёлмади. Магазинларда кир совун, қандолатчилик маҳсулотлари, консервалар, чинни идишлар, гилам, поёндозлар йўқлиги, аҳолининг бундан норозилиги тўғрисида эслашни ҳам лозим кўрмади. Ҳ. Олимжон номли совхоз партия ташкилоти секретари А. Мамаев айтганидек, ота-оналарнинг энг долзарб паллада ишни ташлаб болалари учун мактаб формалари излаб Тошкентгача бориб келишаётганликлари фактларидан эса мутлақо бехабардек ўтиравердди...

— Яқинда бу лавозимни беришди. Университетда директор эдим. Ҳали креслога ҳам ўрнашиброқ ўтирганим йўқ, — деди у.

Бизнингча, раис креслога жойлашиброқ ўтиришни орзу қилиш ўрнига аввало жойлардаги аҳволни ўрганиши, матлубот жамияти фаолиятини аҳоли талаб-истаклари, қолаверса қайта қуриш талаблари асосида йўлга қўйишни ўйлаши лозим. Б. Тожибоев эса ҳар бир камчиликка важ-карсон излашдан нарига ўтмаяпти. Матлубот жамиятининг бошқа 30 нафардан зиёд идора ходимларидек столда ўтириб ишлаш услубига мослашаяпти.

Районда 7 та маиший хизмат кўрсатиш уйи ва унинг 37 та тармоғи мавжуд. Ҳамза номли, «Уч қаҳрамон» ва Суслов номли хўжаликлардан ташқари барча совхозларда аҳолига намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш имконияти бор. Лекин ундан фойдаланилмаяпти. Район маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси аҳолига далада хизмат кўрсатиш план-тадбирига ҳам эга эмас. Баҳор ва ёз ўтибдики, бу тармоқ ходимлари бевосита иш бошида бирор сўмлик хизмат кўрсатишмаган.

— Ҳозир совхозимиздаги маиший хизмат кўрсатиш уйида фотографиядан бошқа хизмат тури йўқ, — дейди Ҳ. Олимжон номли совхоз механизатори Улуғбек Ҳакимов. — Сартарош, этикдўзларнинг дала шийпонига келиб ишлашларини эса тасаввур қилолмайман. Чунки ҳеч нарсани кўрмаганман, уларни.

Тимирязев номли совхоздаги ўрта мактаб ўқитувчиси, халқ контроли группаси раиси А. Турмагамбетов совхоз марказида этикдўзлик устахонасининг ишламаётганлигидан нолиди.

Рейд давомида бундай таклифларни ўнлаб пахтакорлар ва чорвадорлардан эшитдик.

Район маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Холмурод Маманазаров гап орасида касаначилар кўпайиб, маиший хизмат кўрсатиш уйларининг планларига таъсир этаётганлигидан нолиб қолди. Афтидан бошлиқ қаерда иш сифатли бўлса, вақтида бажарилса, буюртмачилар ўша ерга кўпроқ боришларини яхши англаб етмаганга ўхшайди. Қолаверса аҳоли ҳатто район марказидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида ҳам тартибсизлик ҳукмронлигидан ранжимоқда. Усталар, бичувчи-ю, тикувчилар ишга вақтида келиб-кетишмайди.

Тимирязев номли совхоздаги алоқа бўлимида эса ғаройиб вазиянинг устидан чиқдик. Ходимлар 4 кунлик газета-журналлар, хат-хабарларни саралашаётган экан.

— Ҳозиргина олиб келишди, — деди мудира вазифасини бажараётган А. Нурметова. — Бундай ҳол тез-тез такрорланиб туради.

Шундан сўнг А. Нурметова олдимизга бир даста конверт ташлади. Жами 14 та хатдан бирортасининг мазкур алоқа бўлимига таалуқли жойи йўқ эди. Аксинча уларнинг еттитаси Охунбобоев номли совхозда яшовчиларга, шунингдек, Суслов номли, Ф. Хўжаев номли совхозлар аҳолисига йўлланган хатлар эди. Шунингдек, алоқа бўлимига «Труд» газетасининг 7 август сонидан 9 та, «Советский спорт»нинг 6 август сонидан 44 та ортиқча, «Здоровья» журналидан эса 4 та кам берибди. Бундай фактлар ҳамда ҳозирги долзарб паллада пахтакорнинг асосий уйи ҳисобланган дала шийпонларига, фермаларга матбуот нашрларининг, хат-хабарларнинг етказилмаётганлиги район алоқа узели ходимларининг ўз ишларини қайта қуришга киришмаганлигини акс эттириб турибди.

Хуллас, Октябрь райони матлубот жамияти, маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси, алоқа узели ходимларининг дала меҳнаткашларига кўрсатаётган бугунги хизмати мутлақо қониқарсиз. Ҳолва деган билан оғиз чучимас. Гап ваъдаларни амалий иш билан мустаҳкамлашда қолган. Мазкур тармоқлар ишини қайта қуришни жадаллаштириш, хизмат маданияти савиясини ошириш чора-тадбирларини кўриш эса район-даги мутасадди раҳбарлар эътиборига ҳавола.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

А. РАҲМОНҚУЛОВ,
«Жиззах ҳақиқати» область газетаси мухбири.

• Спорт

ФУТБОЛ:

«Днепр» ҳамон олдинда

Олий лига командалари 19-тур учрашувларини ўтказдилар. Пешқадам — «Днепр» футболчилари ўз майдонларида тбилисилик динамочиларини қабул қилишди. Ўйинда ҳисоб очилмади. «Днепр» 20 учрашувдан сўнг 29 очко билан ҳамон пешқадам бўлиб келмоқда.

Қолган учрашувлар натижаси билан танишинг: «Спартак» — «Динамо» (Москва) — 1:0, «Шахтер» — «Арарат» — 2:0, «Черноморец» — «Нефтчи» — 1:0, «Металлист» — «Жальгирис» — 2:1, «Қайрат» — «Локомотив» — 1:1.

Сафарда

ИККИ ОЧКО

Биринчи лига вакиллари душанба куни навбатдаги беллашувларда иштирок этишди. Мавсумни кўтаринки рухда ўтказаётган «Помир» футболчилари Москвада Марказий армия спорт клуби командаси меҳмони бўлишди. Ҳар иккала томоннинг уринишига қарамай, дарвозалар дахлсиз қолди. Помирчилар 50 имкониятдан 39 очко билан турнир жадвалида ҳамон биринчи ўринни эгаллаб келишмоқда.

Тошкент пахтакорчилари сафардаги иккинчи учрашувни муваффақиятли ўтказишди. Улар Кемерово шаҳрида «Кузбасс» коллективини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Олдинги турда «Пахтакор» ЦСКАдан енгилган бўлса (ҳисоб 3:0 армиячилар фойдасига), Кемерово футболчилари «Помир» билан дуранг (0:0) ўйнашган эди.

26-тур ўйинларининг натижалари қуйидагича: «Ротор» — СКА «Карпати» — 2:1, СКА (Ростов) — «Даугава» — 0:2, «Звезда» — «Кубань» — 2:0, «Геолог» — «Котайк» — 3:0, «Динамо» (Ставрополь) — «Колос» — 2:1, «Спартак» — «Металлург» — 2:1, «Шинник» — «Гурия» — 2:1, «Таврия» — «Динамо» (Батуми) — 1:2, «Заря» — «Ростсельмаш» — 2:2.

Якшанба куни 27-тур баҳслари бўлади. Пахтакорчилар мусобақада иккинчи ўринда келаётган Ставрополь динамочиларини қабул қилишади.

ЧИМ ХОККЕЙ:

Соврин— москваликларда

Фарғонада ВЦСПС соврини учун олий лиганинг эркаклар командалари ўртасида мусобақалар ўтказилди. Чим хоккей мухлислари сунъий қопламали стадионда ўтказилган ўйинларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Майдон эгалари билан бирга Москванинг «Фили», Ленинскнинг «Старт», Ульяновскнинг «Волга» командалари олти кун давомида куч синашишди. Рақиблар икки мартадан беллашиб, ғолибни аниқлашди.

Соврин москвалик хоккейчиларга тегди. Улар саккиз очко тўплашди. Фарғонанинг «Химик» командаси иккинчи ўринни эгаллади.

Ўртоқлик учрашувлари

Ҳиндистон ёшлар терма командаси республикамизда меҳмон бўлиб турибди. Улар мусобақалардан ташқари спортчилар ҳаёти билан қизиқиб танишмоқдалар. Айни чоғда бу мусобақалар Осиё ўйинларига тайёргарликнинг муҳим босқичи деб ҳисобламоқда.

Ҳиндистон терма командасининг қизлари дастлабки ўйинни «Политотдел» командаси билан ўтказишди. Майдон эгалари составида бир неча етакчи ўйинчи қатнашмади. Улар Голландиядаги халқаро учрашувларда иштирок этиш учун жўнаб кетишган. Ягона тўп меҳмонларга ғалаба келтирди.

Дўст мамлакат спортчилари Тожикистонга бориб, Ленинобод хоккейчи қизлари билан куч синашадилар. Сўнгра республикамизга қайтиб келишади. Якунловчи ўйин ўтган йилги СССР биринчилигининг кумуш медали совриндори «Андижанка» командасида ўтказиш мўлжалланган.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ САВДО СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Барча профилдаги озиқ-овқат (саноат) товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар.

БУ ГРУППАЛАРГА 17 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

БУ ГРУППАЛАРНИ ТУГАТГАНЛАРГА «КОНТРОЛЁР-КАССИР» ЁКИ «СОТУВЧИ» МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ.

Шунингдек озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган группаларга тугалланмаган ўрта (8, 9 синф) маълумотли, 17 дан 25 ёшгача бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 1 йил.

Ўқувчиларга ҳар ойда 32 сўм стипендия тўланади.

Бу группаларни тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ» малакаси берилади.

ШУНИНГДЕК ДЕКОРАТОР-БЕЗАКЧИЛАР ГРУППАСИ БЎЛИБ, ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ОЗИҚ-ОВҚАТ (саноат) ТОВАРЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.

Кирувчилар билан суҳбат ўтказилади. Ўқиш муддати 2 йил.

БУ ГРУППАГА ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ВА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Республика ҳунар-техника билим юрти барча группаларга Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган қизларни савдо бошқармаси ва область савдо бошқармасининг йўлланмаси билан қабул қилади.

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида: Тошкент Бош универсал магазини — ГУМда ва йирик универсам магазинларида ишлаб чиқариш таълими (практика)ни ўтказадилар.

Билим юртининг барча группаларига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (аслн), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика.

Республика ҳунар-техника билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони. Бобур кўчаси 3-уй, (13, 70-автобусларнинг «Тез ёрдами касалхонаси» бекати, 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекати). Телефон 75-35-86.

СССР Газ саноати министрлиги
«СРЕДАЗГАЗПРОМ»
ишлаб чиқариш бирлашмасининг
ЎРТА ОСИЁ «СРЕДАЗНИИГИПРОГАЗ» ГАЗ САНОАТИ ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ
институт директори
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий маълумотга ҳамда газ саноати ва газлаштириш системасида камида 10 йиллик иш тажрибасига эга бўлган, замонавий иқтисодий билимлардан хабардор кишилар қатнашишлари мумкин.

Конкурсда қатнашиш учун конкурс комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси, иш жойидан характеристика, ариза.

Конкурсга ҳужжатлар юбориш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 42-44-50, 42-98-68.

Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ
қуйидаги секторлар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тарихий материализм, этика ва эстетика бўйича **катта илмий ходимлар** (фалсафа фанлари кандидатлари);

социология бўйича **бўлим мудири** (фалсафа фанлари кандидати), **кичик илмий ходим** (илмий даражасиз);

аграр ва табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи бўйича **кичик илмий ходим** (илмий даражасиз).

Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700170, Академиклар шаҳарчаси, Мўминов кўчаси, 9-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Судга оид медицина экспертизаси бош бюроси коллективи бош бюро бошлиғи З. А. Ғиёсовга онаси

Мафтуха АСҚАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/VIII да **«Отасининг қизи»**, (19.00), 19/VIII да **«Узоқ қишлоқ»** 19.00), 20/VIII да **«Майсаранинг иши»** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. **«Интерцири-88»** гастроллари (17, 18/VIII да 19.30).

Қулайлик

Тошкент шаҳрининг Чорсу майдони тобора гўзаллашмоқда. Қад ростлаган бинолар ўзининг меъморчилик ижроси билан ажралиб турибди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маданий-маиший, савдо шохобчалари тўққиз қаватли биноларнинг биринчи қаватига жойлаштирилаётир. Бу ерда яқинда «Ташхозторг»нинг 35-магазини ишга туширилди.

— Савдо залининг катталигига эътибор беринг, — дея суҳбатни бошлайди магазин директори Мирзиёд Қаюмов. — Бу ерда харидор учун ҳам, савдо ходими учун ҳам барча қулайликлар муҳайё этилган. Мебель, гилам бўлимлари бор. Харидорларга илтифот билан хизмат кўрсатишга доимо тайёрмиз. Коллектив аъзолари орасида бу соҳада ишлаб харидорлар ҳурматини қозонган савдо ходимлари кўп. Маҳмуд Ёқубов, Ориф Содирхоновлар ёш касбдошларига касб сирларини ўргатмоқдалар. Дилфуза Муҳамедова, Ғайрат Тошпўлатов сингари сотувчилар харидорлар билан ҳушмуомалаликда бошқаларга намуна бўлишяпти.

— Коллектив қандай ўй-режа билан ишлаяпти?

— Ойига 450 минг сўмлик маҳсулот сотиш мажбуриятини олганмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Уни бажариш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Мебель сифати бўйича харидорлар билан суҳбатлашиб турамиз. Мебель ва гилам маҳсулотлари кўргазмаларини уюштириш режалаштирилмоқда. Бу товар оборотининг ўсишига ёрдам беради. «Ахборотлар ойнаси» харидорларга маъқул келаётир. Ундан барча янгиликлар ўрин олади. Маҳсулот тайёрловчи корхоналар билан ҳам бевосита шартномалар тузиш ҳақида ўйламоқдамиз.

М. ЁҚУБОВА.







Суратларда: харид пайти ва магазиннинг ташқи кўриниши.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

• Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 9.35 — «Опа-сингиллар». Бадиий фильм. 10.20 — Концерт. 10.45 — Янгиликлар. 10.55 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Болалар учун бадиий фильм. 17.25 — Фалсафий суҳбатлар. 18.25 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқаро фольклор фестивалининг ёпилиши. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.15 — Морис Бежар хореографияси.

МТ-II. 14.40 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 15-серия. 15.55 — Эркин, янги оилада. 16.35 — Қишлоқ янгиликлари. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ватан меҳри. 19.05 — Ҳужжатли фильмлар. 19.50 — П. И. 23.50 — Янгиликлар.

17 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Қора холли лайлак». Бадиий фильм.

УзТВ-I. 15.05 — Нижегород созандалари. 15.35 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — «Биз буни ўтмаганмиз». Бадиий фильм. 18.10 — Болалар учун фильмлар. 18.45 — Тенгдошлар. 19.30 — Алиевлар қрим татар оилавий ансамблининг концерти. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 22.15 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

УзТВ-II. 19.35 — Цирк программаси. 20.15 — Шаҳар юмушлари ва муаммолари. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Қирол Стахнинг ёввойи ови». Бадиий фильм, 2-серия.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Визга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Эстрада пьесалари. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 10.15 — Хўжалик ҳисоби, тажриба, муаммолар, ечимлар. 11.15 — Юность. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 12.30 — «Табассум» халқ ансамбли ижро этади. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Р. Бабаян ва Ю. Олизаров куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Болалар учун Ю. Бианки ҳикоялари. 15.50—XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларини ўрганамиз. 16.00 — Қизил! Сариқ! Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — Концерт. 19.20 — Аланга. 19.40 — XIX партия конференцияси: янгиланиш йўлидан. 20.15 — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Урие Керменчикли куйлайди. 21.00 — Табиатни муҳофаза қилайлик. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.45 — Концерт. 23.30 — Катталарга болалар ҳақида. 23.45 — Ф. Алимов қўшиқлари.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 10909. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 188. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12